*Ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва ҳушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир.*

# XXI ASR

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

2013 йил 8 август, пайшанба, 32 (508)-сон

Газета 2004 йил 1 январдан чиқа бошлаган.
e-mail: axborotXXIasr@yahoo.com.
web sayt: www.21asr.uz

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O`ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI




# ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

## Рамазон ҳайитини нишонлаш тўғрисида

**Муборак Рамазон ҳайитининг халқимиз маънавий ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини эътиборга олиб, миллий-диний қадриятларимизни сақлаш ва улуғлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Рўза ҳайитини дам олиш куни деб эълон қилиш тўғрисида»ги 1992 йил 27 мартдаги ПФ-368-сон фармонига мувофиқ:**

1. Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг 2013 йилда Рамазон ҳайитининг биринчи куни 9 август жума кунига тўғри келиши ҳақида қабул қилган қарорини инобатга олиб, 2013 йил 9 август дам олиш куни деб белгилансин ва мамлакатимизда байрам сифатида кенг нишонлансин.

2. Республика «Нуроний», «Маҳалла» жамғармалари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа барча мутасадди идора, жамоат ташкилотлари Рамазон ҳайитининг жойларда тартибли ва юқори даражада, халқимизнинг миллий қадриятларига мос равишда ўтиши учун тегишли тадбирларни амалга оширсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Рамазон ҳайитини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2013 йил 7 август



**Фермерлик ҳаракати**
— ҳал қилувчи ижтимоий-сиёсий куч

## Ислоҳот

# Бунёдкорлик, яратувчилик ва фаровонлик

### МАМЛАКАТИМИЗ БАНК ТИЗИМИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР АНА ШУНДАЙ ЭЗГУ МАҚСАДГА ҚАРАТИЛГАНЛИГИ БИЛАН АҲАМИЯТЛИДИР

Юртимиз мустақиллигининг 22 йиллик шодиёналари тобора яқинлашмоқда. Аслида, бундай қутлуғ даврни йиллар билан эмас, балки амалга оширилган ишлар, янгиланишлар, ислоҳотлар самараси билан ўлчаш ўринлидир. Зеро, шу қисқа фурсатда қўлга киритилган ютуқларга назар ташласак, уларнинг натижасидан кўнгилимиз ифтихорга тўлади.

Дарҳақиқат, тарихан қисқа, шу билан бирга асрларга тенг бўлган даврда жамиятимиз ҳаётининг барча жабҳаларидаги каби банк тизимида ҳам давлатимиз раҳбари бошчилигида улкан ислоҳотлар амалга оширилди. Натижада ўта қисқа даврда мустаҳкам иқтисодий, ташкилий, ҳуқуқий асос ва ривожланган инфратузилмага эга бўлган, халқаро андозаларга тўлиқ мос келувчи, барқарор ва ишончли фаолият юритувчи банк тизими барпо этилдики, бугунги кунга келиб у юртимизда амалга оширилаётган янгиланиш ва ўзгаришлар, модернизациялаш жараёнларида ҳал қилувчи омиллардан бирига айланди. Шубҳасиз, бунда Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган ва халқаро ҳамжамият эътирофига сазовор бўлган ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг «ўзбек модели» бош мезон бўлди. Бинобарин, мазкур стратегик дастур давлат қурилишини тубдан янгилаш, иқтисодиётни мафкурадан холи этиш, давлатнинг бош ислоҳотчи вазифасини бажариши, яъни ислоҳотлар ташаббускори бўлиши ва уларни мувофиқлаштириб бориши, қонун устуворлигини таъминлаш, кучли ижтимоий сиёсат юритиш, ислоҳотларни босқичма-босқич ва изчил амалга ошириб бориш тамойилларига асослангандир.

#### Долзарб вазифаларга оқилона ечим

Ортда қолган йилларни сарҳисоб қилганда, шунга гувоҳ бўламизки, маъмурий-буйруқбозлик ва режали-тақсимот тамойиллари ҳукмрон бўлган тизим ўрнига тамомила янги — эркин бозор муносабатлари ва тамойилларига асосланган иқтисодий тизимни барпо этиш ўз-ўзидан, бир текисда ва осон кечгани йўқ. Бу йўлда жиддий муаммолар, тўсиқлар, қарама-қаршиликлар ва зиддиятларни мардонавор енгиб ўтишга тўғри келган эди. Президентимизнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» номли асарини мутолаа қилар эканмиз, халқимиз бахт-саодати, эртанги кунини ўйлаб бошланган ана шу оқилона сиёсат мазмун-моҳиятини янада чуқурроқ англаб етамиз.

Чиндан ҳам, бундан йигирма икки йил аввалги ҳолатни бир кўз олдингизга келтириб кўринг-а. Ўша даврларда кучли марказлаштирилган, режалаштиришга асосланган иқтисодий муносабатлар тизимини тугатиш, ривожланган бозор институтлари, механизмларини шакллантириш ва қарор топтириш, иқтисодий мустақилликка эришиш билан бир қаторда, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, айниқса, зарур хизматлар ва озиқ-овқат таъминоти узилишларига йўл қўймаслик каби ҳаётий вазифалар кун тартибида долзарб бўлиб турган эди.

Мустақиликка эришилгандан кейин олдимизда янги истиқболли тармоқларни ривожлантириш мақсадида мамлакатимиз иқтисодиётининг мавжуд таркибини ўзгартириш, табиий бойликлардан унумли фойдаланиш, асосий эътиборни жаҳон андозаларига мос келадиган сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қаратиш орқали эркин конвертацияланадиган валютани ўз кучимиз билан топишдек асосий вазифа турар эди.

2 ▸▸

### ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК — ФАРОВОНЛИК ГАРОВИ

**Урганч шаҳрида «Ўзбекистон ижтимоий масъулиятли фуқаролари форуми» нодавлат нотижорат ташкилоти, Хоразм вилояти ҳокимлиги ҳамда вилоят касаба уюшмалари федерацияси ҳамкорлигида оилавий корхоналар ташкил қилиш масалаларига бағишланган семинар-тренинг ўтказилди. Тадбирда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, жумладан, оилавий корхоналарни ташкил этиш, уларнинг фаолиятини ривожлантириш борасида кенг имкониятлар яратилгани таъкидланди.**

**— Мен бугунги семинарда соҳага оид кўплаб фойдали маълумотларга эга бўлдим, — дейди «Жайҳун Хоразм савдо» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Ш.Бекжонов. — Биз, тадбиркорларнинг янада самарали фаолият юритишимизда бундай семинарларнинг аҳамияти катта.**

**Тадбирда ўз оилавий бизнесини ташкил қилиш истагида бўлган фуқароларга тегишли тавсиялар берилди.**

ЎзА.

# Зиммамиздаги вазифалар кўлами

### O`ZLIDEP СИЁСИЙ КЕНГАШИ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИНИНГ КЕНГАЙТИРИЛГАН ЙИҒИЛИШИДА ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЖИЗЗАХ ВА СИРДАРЁ ВИЛОЯТЛАРИГА ТАШРИФИ ДАВОМИДА ФЕРМЕРЛИК ҲАРАКАТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШГА ОИД КЎРСАТМАЛАРИДАН КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН ПАРТИЯВИЙ ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Мустақилликнинг илк даврлариданоқ аграр секторни қўллаб-қувватлаш, айниқса, фермерлик ҳаракатини изчил ривожлантириш ислоҳотларнинг устувор йўналишларидан бири сифатида белгилаб олингани туфайли мамлакатимизда фермерлик ҳаракати мустаҳкам оёққа туриб, ижтимоий кучга айланди, дейиш мумкин. Ўша пайтларда фермер хўжаликларининг иқтисодий ва молиявий мустақиллигини мустаҳкамловчи ҳуқуқий асослар яратилгани, хусусан, Президентимизнинг бир қатор муҳим фармон ва қарорлари, Ер кодекси, «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонунлар қабул қилингани қишлоқ мулкдорларининг кейинги фаолияти учун дастуриламал бўлди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг фикрича, айни пайтда бундай ҳужжатлар сони 20 дан зиёдни ташкил этаяпти. Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 22 октябрдаги «Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони эса соҳани бутунлай янги босқичга олиб чиқиш учун қўшимча имкониятлар яратди.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, мазкур фармон жамиятни демократлаштиришни чуқурлаштириш, иқтисодиётни янада либераллаштириш, аграр секторни барқарор ва самарали ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини оширишда фермер хўжаликларининг роли ва аҳамиятини кучайтиришга қаратилгани билан ҳам O`zLiDePнинг диққат марказида турибди.

3 ▸▸

## Ҳуқуқий эксперимент:

# Қонун мукаммалигидан манфаатдормиз

### МАЪЛУМКИ, ШУ КУНЛАРДА ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ 2013 ЙИЛ 20 МАРТДАГИ ФАРМОЙИШИГА АСОСАН «ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВА БОШҚАРУВИ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ ОЧИҚЛИГИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ БУХОРО ВА САМАРҚАНД ВИЛОЯТЛАРИДА ҲУҚУҚИЙ ТАЖРИБАДАН ЎТКАЗИЛМОҚДА

Шу боис ҳар икки вилоятда жисмоний ва юридик шахслар, жамоат бирлашмалари ва бошқа фуқаролик жамияти институтларини ҳуқуқий экспериментнинг бориши, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт соҳасида қабул қилинган қарорлар, дастурлар ва бошқа тегишли ҳужжатлар билан тўла хабардор қилиш юзасидан зарур чора-тадбирлар амалга оширилиб, уларга оммавий ахборот воситалари ходимлари кенг жалб этилмоқда.

5 ▸▸



**Қонун бузилишига йўл қўйилмайди**

3 ПАРЛАМЕНТДА



**Сессияга масала киритилди. Ва...**

4 ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲЛАРИДА

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2013 йил 6 августдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

| | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | ▼ 1872,86 | 1 АҚШ доллари | ▲ 2111,45 | 1 Хитой юани | ▲ 344,63 | 1 Туркия лираси | ▼ 1095,26 | 10 Япония иенаси | ▼ 213,69 |
| 1 Англия фунт стерлинги | ▼ 3223,55 | 1 Миср фунти | ▲ 301,82 | 1 Малайзия ринггити | ▼ 651,68 | 1 Швейцария франки | ▲ 2271,11 | 1 Россия рубли | ▼ 63,79 |
| 1 Дания кронаси | ▲ 376,03 | 1 Исландия кронаси | ▲ 17,80 | 1 Польша злотийси | ▲ 662,77 | 1 ЕВРО | ▲ 2799,25 | 1 Украина гривнаси | ▲ 264,16 |
| 1 БАА дирҳами | ▲ 574,94 | 1 Канада доллари | ▲ 2030,83 | 1 СДР | ▼ 3183,52 | 10 Жанубий Корея вони | ▲ 18,94 | | |

**) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

# Бунёдкорлик, яратувчилик ва фаровонлик

## МАМЛАКАТИМИЗ БАНК ТИЗИМИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР АНА ШУНДАЙ ЭЗГУ МАҚСАДГА ҚАРАТИЛГАНЛИГИ БИЛАН АҲАМИЯТЛИДИР

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◄◄

Бундай мураккаб вазифани бажариш учун, энг аввало, нефть ва ғалла мустақиллигига эришиш, нефть ва газ, тўқимачилик, электротехника, автомобилсозлик, озиқ-овқат саноатини ривожлантириш зарур эди.

Биргина 1994 йилнинг ўзида чет мамлакатлардан 674 миллион АҚШ долларига тенг нефть маҳсулотлари ва 430 миллион долларлик ғалла сотиб олинди. Бу эса ўша даврдаги умумий импорт ҳажмининг мос равишда 25 ва 16 фоизини ташкил этар эди.

Агар кейинчалик нефть ва ғалланинг жаҳон бозоридаги нархлари анчагина кўтарилганлигини ҳамда маҳсулотларнинг бошқа ҳамдўстлик давлатлари орқали олиб ўтишда транспорт харажатларининг бир неча баробар ошганлигини эътиборга олсак, ўзимизни нефть ва ғалла билан таъминлашга қаратилган сиёсат бундан ҳам кўп маблағни тежаб қолишга мустаҳкам пойдевор бўлганлиги аёнлашади.

Марказий банк ва тижорат банкларининг кредит қўйилмалари эвазига юзлаб янги корхоналар ишга туширилди, Ўзбекистон учун янги бўлган саноат тармоқларининг ривожланишига асос яратилди. Булар орасида Бухоро ва Фарғона нефтни қайта ишлаш корхоналари, Шўртан газ-кимё мажмуаси, Асакадаги «GM Ўзбекистон» автомобиль заводи, қатор кимё ва бошқа корхоналар борки, улар ҳақли равишда иқтисодимизнинг байроқдорлари ҳисобланади.

### Жамиятнинг қон томири

Келинг, шу ўринда тарихга бир назар ташлаймиз. Ўзбекистон 1991 йилгача ўзининг алоҳида мустақил банк тизими ва мустақил пул-кредит сиёсатини юритиш имкониятга эга эмас эди. Республикадаги пул-кредит сиёсати эса собиқ иттифоқ Давлат банки белгилаб берган қоида ва кўрсатмалар асосида амалга оширилар эди. Бунда пул-кредит сиёсати тўлиқ марказлашган, ёпиқ характерга эга бўлиб, у тўғрисида бирон-бир маълумот ошкор этилмасди. Пул эмиссияси ягона марказдан амалга оширилар ва сўнгра олдиндан белгилаб қўйилган лимитлар асосида республикаларга тарқатилар эди.

Ўша даврдаги банк тизимининг яна бир оғриқли нуқтаси собиқ иттифоқ ҳудудида ички ҳисоб-китобларнинг чалкашликларга учраганлиги эди. Совет иттифоқидек катта ҳудудда автоматлаштириш даражасининг пастлиги сабаб банк филиаллари ўртасидаги ҳисоб-китоблар (МФО — филиалларао айланма) тизими ноқулайликларни келтириб чиқарар, бир шаҳарда жойлашган банк филиаллари ўртасидаги ҳисоб-китоблар ҳафталаб охирига етмай қолар эди.

Шу ўринда Президентимизнинг жамият қон томири — банк тизимини шакллантириш, уни ривожлантиришга алоҳида эътиборини фахр билан таъкидлаб ўтмоқ зарур. Негаки, Ўзбекистон ҳали собиқ иттифоқ таркибида бўлган даврдаёқ, Юртбошимиз жасорати туфайли мустақил банк тизимининг тамал тоши қўйилди. Гап шундаки, 1990 йилда Ўзбекистонда саноат, сув хўжалиги ва ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, қурилиш корхоналарини молиялаш, тарихий ёдгорликларни муҳофаза қилиш, қўшма ва юқори рентабелли ишлаб чиқаришни ташкил этишга кўмаклашиш мақсадида пайчилик асосида «Турон» бирлаштирув-тижорат банки ташкил этилди.

### Мураккабликлар ва муваффақиятлар

Мустақиллик арафасида ва унинг дастлабки йилларида банк тизими олдида ҳам ўта жиддий муаммолар мавжуд эди. Хусусан, макроиқтисодий вазиятнинг жиддий ёмонлашиши, собиқ иқтисодий макондаги иқтисодий алоқаларнинг узилиши, ишлаб чиқариш ҳамда республикалараро савдо ҳажмларининг сезиларли қисқариши натижасида талаб ва таклиф мувозанатининг бузилиши, рублга асосланган пул муомаласининг ўта мураккаблашиши, муомалада нақд пулларнинг ҳаддан зиёд кўпайиши, юқори даражадаги инфляциянинг юзага келиши, қолаверса банк операцияларини амалга ошириш учун зарур технологиялар ва тўлов тизимининг мавжуд эмаслиги, ҳаттоки оддий компьютер техникасининг йўқлиги, айниқса, янги тартибда самарали фаолият кўрсата олувчи юқори малакали банк соҳаси маҳаллий раҳбар ва мутахассисларининг тақчиллиги каби ўткир масалалар кўндаланг турар эди. Улар фақат муҳтарам Президентимизнинг эътибори ва ғамхўрликлари ёрдамида муваффақиятли ҳал этилди.

Мустақиллик йилларида замонавий банк тизимини шакллантириш ва уни халқаро меъёрларга мос равишда ривожлантириш борасида амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилиб, шуни таъкидлаш жоизки, соҳадаги ислоҳотларнинг биринчи ва иккинчи босқичларини ўз ичига олган 1991-2000 йилларда қуйидаги муҳим тадбирлар амалга оширилди.

**Биринчидан,** пул-кредит ва банк тизимини тартибга солувчи ва назорат қилувчи ягона орган, давлатнинг захира ва эмиссион муассасаси — Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ташкил этилди, халқаро стандартлар талабларига тўлиқ жавоб берадиган Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги қонуни қабул қилинди.

Марказий банк ҳузурида унинг бош функцияларидан бири бўлган пул эмиссияси сиёсатини амалга ошириш учун зарур бўлган муҳим ёрдамчи корхоналар: Қоғоз фабрикаси, Босмахона, Зарбхона, шунингдек, Қимматбаҳо металлар агентлиги ва Республика инкассация бирлашмаси ташкил этилди.

**Иккинчидан,** тижорат банкларини ташкил этиш ва улар фаолиятини тартибга солишга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонуни қабул қилинди ҳамда икки поғонали банк тизими ташкил этилди. Мамлакатимизда мулкчиликнинг турли шаклларига асосланган тижорат банклари, шунингдек, қўшма ва чет эл банклари фаолият юрита бошлади. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан қонун билан мустаҳкамланган ваколатлар доирасида банк тизими фаолиятини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилди.

**Учинчидан,** давлат мустақиллигининг рамзи, суверен давлатга хос белги, миллий валютамиз — сўм муомалага киритилди. Бу мустақил самарали пул-кредит сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш имконини берди.

**Тўртинчидан,** мижозлар тақдим этган тўлов ҳужжатларини бир банк муассасасидан бошқасига почта орқали етказиш усулига асосланган эски тўлов тизими ўрнига МДҲ мамлакатлари ичида биринчилардан бўлиб ҳар томонлама қулай, транзакциялар сони ва банклар ўртасидаги масофадан қатъий назар, тўловларни реал вақт режимида амалга оширишга қодир бўлган замонавий электрон тўлов тизими ишга туширилди.

**Бешинчидан,** собиқ иттифоқ банк тизими фаолиятини тартибга соладиган, марказлаштирилган, режали иқтисодий тизим талаблари асосида ишлаб чиқилган меъёрий ҳужжатлар тўлиқ бекор қилиниб, бозор иқтисодиёти тамойилларига хос бўлган махсус қонунлар ва банк фаолиятининг ҳар бир йўналишини тартибга солувчи, халқаро стандартлар талабларига асосланган мукаммал меъёрий-ҳуқуқий база шакллантирилди.

**Олтинчидан,** манфаатдорликни пасайтирадиган, молиявий воситачилик самарадорлиги ва кўламларини оширишга тўсқинлик қиладиган фоиз ставкалари ҳамда кредит миқдорлари бўйича лимитлар ўрнатиш каби чекловлар бекор қилиниб, банклар фаолиятини тартибга солишнинг билвосита инструментлари жорий қилинди.

**Еттинчидан,** тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби тўлиқ автоматлаштирилди, халқаро андозаларга мос келувчи бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи ҳамда молиявий ҳисоботлар тизимлари жорий этилди. Банклар фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишнинг банк фаолиятини лицензиялаш ва банкларни рўйхатга олиш, масофадан назорат қилиш ва жойига чиқиб текшириш услублари амалиётга татбиқ қилинди.

**Саккизинчидан,** лицейлар, коллежлар, олий ўқув юртлари ва уларнинг кафедралари, шунингдек, Банк-молия ҳамда Давлат ва жамият қурилиши академиялари ҳамда хориждаги ўқув юртлари билан ҳамкорликда юқори малакали банк мутахассислари ва раҳбар ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини доимий ошириб боришнинг самарали тизими яратилди.

Умуман олганда, банк тизимида амалга оширилган иқтисодий ислоҳотларнинг биринчи ва иккинчи босқичларини ўз ичига олган 1991-2000 йилларда Ўзбекистонда мустақил банк тизимининг ташкилий, ҳуқуқий асослари ва мукаммал инфратузилмаси шакллантирилди. Банклар фаолиятини лицензиялаш, тартибга солиш ҳамда назорат қилишнинг халқаро андозаларга мос тизими вужудга келди.

### Эркинлаштириш, такомиллаштириш ва барқарорлик шартлари

Ўтказилган ислоҳотларнинг учинчи ва тўртинчи босқичлари — 2001-2010 йилларда банк тизимини янада эркинлаштириш, банк ишини такомиллаштириш, мамлакат банк тизими барқарорлигини таъминлаш ва салоҳиятини ошириш, молия-банк сектори таркиби ва инфратузилмасини ривожлантириш йўналишида муҳим чора-тадбирлар амалга оширилди.

Энг аввало, банк фаолияти янада эркинлаштирилиб, банк операциялари, хусусан, кредитлашни қадам-бақадам белгилаб берувчи меъёрий ҳужжатлар бекор қилинди, мижозларнинг молиявий ҳолати, бизнес-режаларнинг ҳаётийлиги, кредит таъминоти ликвидлиги ва бошқа сифатларига нисбатан талабларни белгилаш ваколати тижорат банкларининг ўзларига ўтказиб берилди, тижорат банклари молиявий ҳолати учун банк Кенгаши ва бошқарувининг жавобгарлиги оширилди.

Бунинг натижасида тижорат банкларида кредитлаш жараёнлари оптималлашуви ва соддалашуви юз берди, банк акциядорларининг банкни бошқаришдаги масъулияти, роли ва аҳамияти ошди, банкларни бошқариш сифати яхшиланди. Ўз навбатида, соҳада рақобат муҳити кучайди ва пировардида иқтисодиётни кредитлаш ҳажмлари ошиб борди.

Айни чоғда иқтисодиётни тартибга солишнинг бозор механизмлари такомиллаштирилди, муомаладаги товар-пул мувозанатини таъминлашга қаратилган монетар сиёсатнинг билвосита инструментларидан фойдаланиш кўламлари янада кенгайтирилди. Ушбу босқичда очиқ бозордаги операцияларда қўлланиладиган қимматли қоғозлар турларини кенгайтириш мақсадида Марказий банкнинг юридик ва жисмоний шахслар учун облигациялари муомалага чиқарилди.

Булардан ташқари, нақд пул муомаласини тартибга солиш механизмлари такомиллаштирилди, савдо ва хизмат кўрсатиш фаолиятидан тушадиган нақд пул тушумининг банк кассаларига тўлиқ инкассация қилиниши ҳамда корхоналар ва аҳолининг нақд пулга бўлган талабини уларнинг биринчи мурожаатига кўра таъминлаш борасидаги қонунчилик талаблари кучайтирилди. Ушбу жараёнларни мониторинг қилиш ва муаммо юзага келганда уни тезкор ҳал этишнинг самарали тизими шакллантирилди.

Аввало, кредит ташкилотларининг молиявий барқарорлиги ва ликвидлигини таъминловчи бирламчи асосий таянч тузилмалар, банкнинг корпоратив бошқарув органлари, шунингдек, ички аудит ва ички назорат хизматларининг фаолияти халқаро андозаларга мувофиқ такомиллаштирилди, ваколат ва масъулиятлари кескин кучайтирилди.

Кредит ташкилотлари фаолиятини лицензиялаш, тартибга солиш ва назорат қилиш ҳам босқичма-босқич такомиллаштириб борилди. Бундай ташкилотларнинг молиявий барқарорлиги, ўз мажбуриятларини муддатида ҳамда тўлиқ бажариши Марказий банк томонидан қатъий ва талабчан банк назорати остига олинди. Шу билан бирга, аҳолининг банклардаги омонатлари тўлиқ қайтарилишини таъминлаш мақсадида 2002 йилда Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш Жамғармаси тузилди ва фуқароларнинг тўловга қобилиятсиз бўлиб қолган банклардаги омонатларини ушбу жамғарма маблағлари ҳисобидан қайтариш механизми жорий этилди.

Ўзбекистон Республикасининг «Банк сири тўғрисида»ги қонуни қабул қилиниши асосида эса мижозлари тўғрисидаги банкка маълум бўлган барча маълумотлар банк сири маълумотлари тоифасига киритилиб, улардан қонунда белгиланмаган ҳар қандай мақсадда учинчи шахслар томонидан фойдаланиш тақиқланди.

Хўжалик юритувчи субъектлар ва аҳолининг банкларнинг ҳолатини ўрганиш ҳамда ўзига маъқулини танлаш имкониятини ошириш мақсадида кредит ташкилотлари томонидан оммавий ахборот воситаларида ўз фаолияти тўғрисидаги кенг доирадаги маълумотларнинг эълон қилиниши йўлга қўйилди. Жумладан, банклар фаолиятининг шаффофлигини таъминлаш мақсадида уларнинг аудиторлик ташкилотлари томонидан тасдиқланган молиявий ҳисоботларини ОАВда эълон қилиш юзасидан мажбуриятлари белгиланди.

Яратилган кафолатлар аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг банк тизимига бўлган ишончини янада оширди ҳамда уларнинг банклардаги депозитлари ҳажмининг юқори суръатларда ўсишига ёрдам берди.

Шулар баробарида валюта сиёсати эркинлаштирилди ва такомиллаштирилди, мамлакатимиз Халқаро валюта жамғармасининг миллий валюта жорий халқаро операциялар бўйича конвертация қилиниши ҳақидаги Келишув моддалари бўйича мажбуриятларни қабул қилди.

Ички валюта бозорида эса сўм маблағларини конвертация қилиш учун хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ваколатли банкларга тақдим этиладиган ҳужжатлар рўйхати кескин қисқартирилди. Буларнинг натижасида экспортга чиқарилган маҳсулотлар ҳажми кўпайди, миллий валютамиз барқарорлигини таъминловчи халқаро захираларимиз миқдори ўсиб борди. Бугунги кунда халқаро захираларимиз миқдори Халқаро валюта жамғармаси талабидан бир неча маротаба зиёдни ташкил қилади.

Бундан ташқари, ички валюта бозорининг эркинлаштирилиши Ўзбекистон банкларининг Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки каби халқаро молия ташкилотлари ҳамда АҚШ, Германия, Япония, Буюк Британия, Швейцария, Бельгия, Туркия, Хитой, Ҳиндистон, Жанубий Корея каби мамлакатларнинг миллий молия институтлари билан кенг ҳамкорликни йўлга қўйишини таъминлади.

### Етти ўлчаб, бир кес

Юртимизда амалга оширилган иқтисодий ислоҳотларнинг самарасини бугунги кунда эришилаётган макроиқтисодий кўрсаткичларга назар ташлаган ҳолда яққол кузатишимиз мумкин. Хусусан, республикамиз иқтисодий ўсиш суръатлари 2012 йилда 8,2 фоиз, жорий йилнинг биринчи ярмида эса 8 фоизни ташкил этди. Экспорт ҳажми 11,6 фоизга ўсиб, экспортга йўналтирилаётган маҳсулотларнинг 70 фоизи тайёр товарлардан иборат бўлди.

Ҳали-ҳануз 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози талафотларидан сўнг ташқи қарз ва бюджет дефицити муаммоларига дуч келган қатор мамлакатлардаги номутаносибликларга ечим топилмаётган бир вақтда, республикамизнинг жами ташқи қарзлари жорий йилнинг 1 январь ҳолатига кўра ЯИМ ҳажмининг атиги 16 фоизини ташкил этди. Бу — Халқаро валюта жамғармаси экспертларининг хулосасига қараганда, дунёда энг паст кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Давлат бюджети эса 2005 йилдан буён ЯИМга нисбатан профицит билан ижро этилиб келинаётгани мамлакатимизда фискал сиёсатининг самарали ижро этилаётганидан далолат беради.

Шу ўринда муҳтарам Юртбошимизнинг XII чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг X сессиясида (1992 йил, 2 июль) сўзлаган нутқларида ташқи қарз тўғрисида билдирган фикрларини келтириш лозим:

***«Хорижий дунё бозори билан, дунё банклари билан, тижоратчи фирмалар билан алоқа боғладик. Бу жуда нозик масала. Қайси давлат бизга қанча ва қандай шарт билан сармоя ва қарз беради? Қарз берган давлатларнинг сиёсий шартлари бўлмайдими? Бировдан қарз олиб, кейин унинг илмоғига тушиб қолмаймизми? Улар бизга тазйиқ ўтказмайдими? Олган қарз-кредитларимиз бўйнимизда оғир юк бўлиб қолиб кетмайдими?***

***Минглаб шундай саволларга жавоб излашга ва топишга тўғри келди.***

***Қарз олиш осон, бу ҳаммамизга маълум, лекин уни бир кун келиб тўлаш ҳам керак. Биз фақатгина бугунги кунни эмас, балки эртамизни, келажак авлодларни ҳам ўйлашимиз керак. Бугун биз хато қилиб қўйсак, фарзандларимиз келажакда қоқилиб қолишини ҳисобга олмасак, бу — катта гуноҳ бўлади».***

Ҳали мустақилликка эришганимизга бир йил тўлмасдан туриб давлатимиз раҳбари томонидан айтилган бу башоратнинг нечоғли ҳаққонийлигини, унда илгари сурилган ғоялар теран мушоҳадаларга асосланганлигини тараққиётимизнинг ҳозирги ривожланиш босқичи яққол тасдиқлаб турибди. Зеро, биз қарз ҳисобидан вақтинчалик муваффақиятга эришишдан воз кечиб, иқтисодиётнинг таркибан қайта қуриш ва уни жадал ривожлантиришни афзал кўрдик.

Банк тизимининг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилган аниқ мақсадли чора-тадбирлар охирги ўн йил давомида банклар жами капитали 9 баробардан зиёдга, охирги уч йил ичида 2 баробардан ортиқ ўсишини таъминлади. 2013 йилнинг биринчи ярим йиллигида ўтган йилнинг мос даврига нисбатан банк тизими умумий капитали ҳажми 23,6 фоизга ошди. Натижада бугунги кунда банк тизими капиталининг етарлилик даражаси 24,3 фоизни ташкил қилиб, қабул қилинган умумий халқаро стандартлардан 3 баробар ортиқдир.

Банк тизимининг ликвидлик кўрсаткичи охирги йилларда 65 фоиздан (2013 йил 1 июль ҳолатига кўра — 65,5 фоиз) юқори бўлиб, талаб этиладиган энг кам даражадан (30 фоиз) 2 баробардан ҳам зиёдни ташкил қилди. Ўз навбатида, республикамиз иқтисодиёти, шу жумладан, банк тизими фаолиятининг ижобий натижалари жаҳон ҳамжамияти ва халқаро молия ташкилотлари томонидан юксак баҳоланмоқда.

Жумладан, Халқаро валюта жамғармасининг 2012 йил 28 ноябрь-7 декабрь кунлари Ўзбекистонга ташриф буюрган миссияси ўз баённомасида қуйидагиларни эътироф этди:

«Ўзбекистон банк тизими юқори кўрсаткичларга эришишни давом эттирмоқда. Халқаро стандартлардан келиб чиқиб тижорат банклари капиталининг етарлилик кўрсаткичи юқори даражада сақланмоқда.

... Барқарор банк тизими ва халқаро молия бозорларидан қарз жалб қилишдаги эҳтиёткорона ёндашув мамлакатни жаҳон инқирозининг бевосита оқибатларидан ҳимоя қилди».

Яна бир катта эътироф — Буюк Британиянинг рискларни таҳлил қилиш билан шуғулланувчи «Мейплкрофт» консалтинг компаниясига тегишлидир. Ушбу нуфузли ташкилот томонидан эълон қилинган жаҳон мамлакатларининг узоқ муддатли инвестициялар учун жозибадорлик рейтингида жаҳоннинг 175 та давлати ичида Ўзбекистон биринчи 20 талик таркибга киритилди.

Бундай юксак баҳолар, мамлакатимиз иқтисодиёти ва банк тизмини ривожлантиришда эришилаётган юқори натижалар Юртбошимиз раҳнамолигида ишлаб чиқилган Инқирозга қарши чоралар дастури ва «ўзбек модели»нинг ниҳоятда тўғри ва самарали эканлигини кўрсатмоқда.

Банк тизимининг барқарор ривожланиб бораётгани халқаро рейтинг компаниялари томонидан ҳам тасдиқланмоқда. Жаҳонда катта нуфузга эга бўлган «Мудис» халқаро рейтинг агентлиги томонидан кетма-кет охирги уч йилда республикамиз банк тизимининг ривожланиш истиқболларига «барқарор» рейтинг даражаси берилди. «Стандарт энд Пурс» агентлиги ҳам мамлакатимиз банк тизимини ижобий баҳолаб, рейтингини бир поғона юқорига кўтарди. Мамлакат банк тизимининг барқарор ривожланаётганлиги «Фитч рейтингс» агентлиги томонидан ҳам эътироф этилди.

2010 йилда халқаро рейтинг агентликларининг «барқарор» рейтингини олган тижорат банклари сони 13 тани ташкил этган бўлса, бугунги кунда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган барча 29 та банк шундай рейтинг баҳосига эгадир.

Шу ўринда таъкидлаш мумкинки, Халқаро валюта жамғармасининг охирги тадқиқотларига мувофиқ, Ўзбекистон ҳар 100 минг (катта ёшли) аҳолига тўғри келадиган банк муассасалари сонига кўра МДҲ мамлакатлари ўртасида етакчилик қилмоқда.

### Яқин кўмакчи, ишончли ҳамкор

Ҳозирги кунда республикамизда фаолият кўрсатаётган тижорат банклари сони — 29 тани, уларнинг республикамиз ҳудудларида фаолият кўрсатаётган филиаллари сони — 832 тани, мини-банк ва махсус кассалари сони 4 мингтадан зиёдни ташкил қилмоқда. Мамлакатимиз банкларининг барқарор ҳолати, банк тизимига бўлган ишончнинг ошиши ҳамда аҳоли реал даромадларининг ўсиб бораётганлиги юридик ва жисмоний шахсларнинг бўш пул маблағларини омонатларга жалб қилишнинг мустаҳкам асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

Охирги 10 йил давомида хўжалик юритувчи субъектлар ва аҳолининг банклардаги депозитлари ҳажми 30 марта, шу жумладан, аҳоли омонатлари ҳажми 41 баробарга ошди. Охирги уч йил ичида банклардаги жами депозитлар ҳажми 2,6 баробарга, шу жумладан, аҳоли омонатлари 2,4 баробар ортди. Натижада тижорат банклари томонидан жалб қилинган депозитлар ҳажми 2013 йилнинг 1 июль ҳолатига кўра 23,1 трлн. сўмга етди.

Банк тизимига бўлган ишончнинг мустаҳкамланиб бораётганини «Ижтимоий фикр» жамоатчилик марказининг ижтимоий тадқиқот натижалари ҳам тасдиқламоқда. Сўнгги ижтимоий сўров натижаларига кўра, унда иштирок этганларнинг 95 фоизи мамлакатимиз банкларига ишончи юқори эканлигини ҳамда жамғармаларини банкларда сақлашларини билдирган. Банкларнинг капитали ҳамда жалб қилинган депозитлари ҳажмининг муттасил ўсиб бораётгани, ўз навбатида, банк тизимининг республика иқтисодиётини ривожлантиришга, банкларнинг инвестициявий фаолиятини кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

2012 йилда банкларнинг жами активлари 30 фоиздан кўпроққа, сўнгги 10 йил ичида эса ушбу кўрсаткич 11 баробардан зиёдга, охирги 3 йилда эса 2,3 баробарга ошиб, 2013 йилнинг 1 июль ҳолатига кўра, 37,1 трлн. сўмни ташкил этди. Тижорат банкларининг иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредит қўйилмалари ҳажми эса ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 30,9 фоизга ортиб, 2013 йилнинг 1 июль ҳолатига кўра 21,3 трлн. сўмга етди.

Банкларнинг кредит портфели таркибидаги сифат ўзгаришлари натижасида узоқ муддатли кредитларнинг жами кредит қўйилмалардаги салмоғи 79,2 фоизга етди. Муддати 3 йилдан кўп бўлган узоқ муддатли кредитлар 30,9 фоизга кўпайиб, умумий кредит портфелининг 76,8 фоизини ташкил этмоқда. Умуман, иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредит қўйилмаларининг жами ҳажми сўнгги 10 йилда 9 марта, охирги уч йилда эса 2,4 баробарга ошди. Ўз навбатида, тижорат банклари томонидан ивестиция мақсадларига ажратилган кредит қўйилмаларининг ҳажми 5,7 трлн. сўмни ташкил қилди. Охирги беш йилда инвестициявий кредитларнинг ҳажми 4 баробар, охирги уч йилда эса 2,2 баробарга ошди.

Республикамиз тижорат банклари ўзларининг кредитлари билан иқтисодиётимиздаги стратегик ва муҳим иқтисодий-ижтимоий аҳамиятга эга бўлган қатор йирик инвестициявий лойиҳаларни амалга оширишда фаол иштирок этаётгани айниқса эътиборлидир. Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш, замонавий технология асосида рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этиш мақсадида тижорат банклари томонидан 2013 йилнинг 1-ярим йиллиги давомида 3,45 трлн. сўмлик (ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 1,31 марта кўп) инвестициявий кредитлар ажратилгани ана шундан далолат беради.

### Мақсад моҳиятни белгилайди

Шуни алоҳида қайд этиш зарурки, Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида банк тизимида иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган ишлар амалга оширилмоқда. Тижорат банклари томонидан экспорт қилувчи корхоналарга айланма маблағларини тўлдириш учун бир йилгача бўлган муддатга ажратилган имтиёзли кредитларнинг ҳажми 362,5 млрд. сўмни ташкил этди. Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналарга 690,1 млрд. сўм миқдорида, яъни 2012 йилнинг 6 ойидагига нисбатан 1,2 баробар;

ноозиқ-овқат истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун керакли бўлган замонавий технологик ускуналар ҳамда хом ашё ва материалларни сотиб олишга 740,1 млрд. сўм миқдорида, яъни 2012 йилнинг 6 ойидагига нисбатан 1,3 баробар кўпроқ кредит маблағлари ажратилди.

Иқтисодиётнинг реал секторини қўллаб-қувватлаш, базавий тармоқ корхоналарининг барқарор фаолият кўрсатишини таъминлаш, иқтисодий ночор корхоналар фаолиятини қайта тиклаш ва модернизация қилишда Ўзбекистон банк-молия тизимининг ҳиссаси тобора ортиб бормоқда.

Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 18 ноябрдаги «Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонига асосан, ўтган йиллар давомида тижорат банклари балансига жами 170 та иқтисодий ночор корхона қабул қилинди. Уларда ишлаб чиқаришни тиклаш ва модернизация қилиш мақсадида тижорат банклари томонидан 429,2 млрд. сўмлик инвестициялар киритилди. Бунинг эвазига Германия, Япония, АҚШ, Хитой, Италия ва Швейцарияда ишлаб чиқарилган замонавий юқори технологиялар ва ускуналар билан жиҳозланмоқда.

Тижорат банклари томонидан иқтисодий ночор корхоналар фаолиятини тиклаш бўйича олиб борилган самарали ишлар натижасида ишлаб чиқариш фаолияти тикланган 123 та корхона 995,5 млрд. сўмга янги инвесторларга сотилди. Шу билан бирга, тижорат банклари балансида қолган 47 та корхонадан 33 тасида ишлаб чиқариш фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, бугунги кунда ушбу корхоналарни янги инвесторларга сотиш бўйича тегишли тадбирлар амалга оширилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, фаолияти тикланган корхоналар томонидан жами 2,2 трлн. сўмга яқин маҳсулот ишлаб чиқарилди ва шундан 601,5 млн. АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулот экспорт қилинди. Бу эса, ўз навбатида, банклар томонидан тикланган корхоналарда кенг кўламдаги истеъмол ва саноат моллари ишлаб чиқарилиб, ички бозорни тўлдиришга ҳамда экспортга йўналтирилиб, республикамиз валюта захираларини кўпайтиришга хизмат қилмоқда.

### Обод турмушга йўналтирилган сармоялар

Республикамизда фаолият кўрсатаётган тижорат банклари томонидан «Обод турмуш йили» Давлат дастури ижросига алоҳида эътибор қаратилаётир. Ушбу дастур доирасида жами 320 млрд. сўмлик, шу жумладан, 15 мингта ёш оилага 81 млрд. сўм миқдорида истеъмол кредитлари ажратилди. Бу маблағлар аҳолининг ижтимоий-маиший шароитларини яхшилаш, турмуш даражасини ошириш мақсадида мамлакатимизда ишлаб чиқарилган мебель анжомлари, маиший техника ва бошқа узоқ муддат фойдаланишга мўлжалланган маҳсулотларни сотиб олишга йўналтирилгани билан ниҳоятда аҳамиятлидир. Умуман, аҳолига ажратилган истеъмол кредитларининг умумий ҳажми сўнгги уч йил мобайнида 2 баробардан зиёд, шундан ёш оилаларга берилгани 2,4 баробарга ошди.

Жаҳон тажрибасидан маълумки, аҳолининг уй-жойга бўлган эҳтиёжини қондиришнинг самарали йўлларидан бири, бу — тижорат банклари томонидан фуқароларга ипотека кредитлари ажратишдир. Мазкур соҳа Юртбошимиз ташаббуси билан мамлакат ижтимоий сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айлантирилган. Бунинг учун зарур ҳуқуқий-ташкилий пойдевор ишлаб чиқилган.

Шуларга муштарак равишда «Қишлоқ қурилиш банки» ташкил этилди. Ушбу банк очилгандан буён ўтган тўрт йил мобайнида қишлоқда 23,6 минг нафар якка тартибда уй-жой қурувчига қиймати 1 трлн. 400 млрд. сўмдан зиёд ипотека кредитлари ажратилди.

### Ижтимоий фаровонлик эътирофи

Хабарингиз бор, жорий йилнинг 16-17 апрель кунлари мамлакатимизда «Замонавий уй-жой қурилиши — қишлоқ жойларини комплекс ривожлантириш ва қиёфасини ўзгартириш ҳамда аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш омили» мавзуидаги халқаро конференция юқори савияда ташкил этилди. Унда қатнашган нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари, хорижлик мутахассислар Ўзбекистонда қишлоқлар қиёфасини ўзгартириш ва аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш борасида олиб борилаётган тизимли чора-тадбирларга юксак баҳо бериб, қўлга киритилаётган ютуқлар ҳавас қилишга арзигулик эканини алоҳида эътироф этдилар.

### Кичик бизнес ва тадбиркорликка мадад

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш банк фаолиятининг ғоят муҳим йўналишларидан бири бўлиб, унинг кўламлари тобора кенгайиб бормоқда. 2013 йилнинг 6 ойи давомида тижорат банклари томонидан 3,8 трлн. сўм миқдорида кредитлар ажратилиб, ушбу кўрсаткич 2012 йилнинг шу давридагига нисбатан 1,3 баробарга кўпдир.

Жумладан, «Микрокредитбанк» томонидан устувор равишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари манзилли қўллаб-қувватланмоқда. Ушбу йўналишлар бўйича кўрсатилган микромолиявий хизматлар ҳажми 2013 йилнинг 6 ойи давомида 125,4 млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 1,2 баробарга ошди. Кичик бизнес субъектларининг инвестицион лойиҳаларини молиялаштириш учун халқаро молия институтларининг имтиёзли кредит линиялари ҳисобидан 2013 йилнинг 6 ойи давомида 60 млн. АҚШ доллари миқдорида кредитлар ажратилди.

Бундан ташқари, тижорат банкларининг махсус имтиёзли кредитлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг олис ва етиб бориш қийин, меҳнат ресурслари кўп бўлган туманлар ҳамда шаҳарлардаги лойиҳаларини молиялаштириш учун жорий йилнинг 6 ойи давомида 23,7 млрд. сўм миқдорида имтиёзли кредитлар ажратилди. Бу 2012 йилнинг 6 ойидагига нисбатан 1,4 баробар кўпдир.

### Салоҳиятли ёш авлод — муваффақиятлар калити

Иқтисодий ислоҳотларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, бу борадаги муваффақият, асосан, кадрларга, уларнинг малакаси, ислоҳотлар, бозор муносабатлари моҳиятини нечоғли идрок этишига боғлиқдир. Шу ўринда Юртбошимизнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг муваффақияти — охир-оқибатда кадрлар ва яна кадрлар масаласига боғлиқ, деган сўзларини эслаш ўринлидир.

Ушбу эзгу мақсадда мамлакатимизда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида тизимли чора-тадбирлар амалга оширилаяптики, натижада соҳага юксак замонавий талабларга жавоб берадиган, янгича фикрлайдиган, мамлакатимизнинг келажак тақдирини ишониб топшириш мумкин бўлган ёш мутахассислар етказиб берилмоқда.

Хусусан, мазкур дастур ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2001 йилнинг 26 июлида «Олий ўқув юртларида тўлов-контракт асосида ўқиш учун таълим кредитлари бериш тўғрисида»ги қарори билан «Олий ўқув юртларида тўлов-контракт асосида ўқиш учун таълим кредитлари бериш тўғрисидаги Низом» тасдиқланди. Унинг талаблари асосида биргина жорий йилнинг 6 ойи давомида республика тижорат банклари томонидан олий ўқув юртларида тўлов-контракт асосида ўқиётган 7197 нафар талабага 19,5 млрд. сўм миқдорда имтиёзли, яъни 2012 йилнинг 6 ойидагига нисбатан 1,8 баробар кўп таълим кредити ажратилди.

Бу эса ёшларнинг баркамол бўлиб вояга етишига, жамиятда ўзларининг муносиб ўринларини топишига моддий кўмакдир, албатта. Қолаверса, Президентимизнинг 2010 йил 28 июлдаги «Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони ижроси асосида ёшлар учун тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш имкониятлари кенгайтирилиб, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари иш билан таъминланмоқда. Шу мақсадда уларнинг бизнес лойиҳаларини республика тижорат банклари томонидан молиялаштиришга 2013 йилнинг 6 ойи давомида 54,1 млрд. сўм ёки ўтган 2012 йилнинг мос даврига нисбатан 2,4 баробар кўп кредитлар ажратилди.

Қолаверса, 2010 йилнинг май ойида мамлакатимизда ўтказилган Осиё тараққиёт банки Бошқарувчилари кенгашининг 43-йиллик мажлиси давомида халқаро ташкилотлар, жаҳондаги кўплаб йирик молия институтлари вакиллари томонидан ҳам Ўзбекистон иқтисодиёти, жумладан, банк тизимининг барқарор ривожланаётганлиги тўғрисида ижобий фикрлар билдирилди.

Жаҳондаги глобал молиявий оқимлар ҳажмлари пасайишининг давом этиши, банк тизимлари учун ресурс етишмовчилиги муаммосининг чуқурлашиши ва қатор мамлакатлардаги қарз инқирозининг кучайиши жаҳон иқтисодиётига хавф солаётган ҳозирги даврда республика банк тизимининг капиталлашуви ҳамда ички ресурс базасини кенгайтириш сиёсатини давом эттириш талаб этилади. Шундан келиб чиқиб, банкларнинг молиявий барқарорлигини янада мустаҳкамлаш, капиталлашуви, депозит базаси ва ликвидлигини ошириш ҳамда инвестициявий фаоллигини кучайтириш банк тизимини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари бўлиб қолади.

Президентимизнинг 2010 йил 26 ноябрда қабул қилинган «2011—2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги қарори бунда энг асосий дастуриламалдир.

### Замонавий технологиялар — аҳоли хизматида

Ҳисоб-китоблар тизимини такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли чора-тадбирлар натижасида молиявий хизматлар кўрсатиш узлуксизлиги таъминланиб, тўлов айланмасида нақд пулсиз, жумладан, пластик карточкалар орқали ҳисоб-китобларнинг ҳиссаси ортиб бормоқда.

2012 йилда Юртбошимизнинг 2010 йил 19 апрелдаги «Банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб тизимини ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ «Ўзкарт» банклараро чакана тўлов тизими йўлга қўйилди.

Тижорат банклари томонидан мижозларга юқори сифатли замонавий банк хизматлари кўрсатиш, шунингдек, банк ҳисобварақларини масофадан бошқариш тизимлари ҳам жадал ривожланиб бормоқда. Жумладан, 2013 йил 1 июль ҳолатига банк ҳисобварақларини масофадан бошқариш тизимларидан фойдаланувчилар сони 190 мингдан зиёдни ташкил этди. Шундан интернет-банкинг ва «Банк-Мижоз» дастурий мажмуаси хизматларидан фойдаланувчилар сони 46124 нафарга етган бўлса, мобил-банкинг ва смс-банкинг хизматларидан фойдаланувчилар сони 144 минг нафарни ташкил этади.

Ҳозирги вақтда банклар томонидан реал вақт режимида мобил ва электрон алоқа воситалари орқали банк ҳисобварақлари эгаларига ушбу ҳисобварақлар тўғрисида маълумот олиш имкониятини берувчи мижозлар учун қулай бўлган хизмат турлари фаол жорий этилмоқда. Ўтган йилнинг охирида бундай хизматлардан фойдаланувчилар сони 92 мингтадан ошди ёки олдинги йилдагига қараганда ўсиш 1,6 бараварни ташкил этди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2010 йилнинг апрель ойида ташкил этилган «Инқирозга қарши чоралар дастурининг самарадорлиги ва инқироздан кейинги ривожланишнинг устувор йўналишлари (Ўзбекистон мисолида)» мавзуида бўлиб ўтган халқаро илмий-амалий конференцияда халқаро ташкилотлар ва молия институтлари вакиллари, хорижий мамлакатларнинг давлат ва жамоат арбоблари, иқтисодчи олимлар, бизнесмен ва экспертлар иқтисодий ривожланишнинг беш тамойилига асосланган «ўзбек модели» тўғри танланганлигини эътироф этиб, уни амалга ошириш асосида эришилган натижаларга юқори баҳо бердилар.

**Мухтасар айтганда, давлатимиз раҳбари томонидан олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, янгиланиш ва модернизациялаш жараёнлари жамиятнинг барча жабҳалари қатори банк-молия соҳасида ҳам ўзининг ёрқин инъикосини топмоқда. Бу эса, табиийки, юртимизни янада равнақ топтириш, халқимиз турмуш фаровонлигини ҳар қандай, ҳаттоки, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида ҳам барқарор юксалтириб боришга хизмат қилаётир. Зеро, мустақиллигимиз шарофати, Президентимизнинг соҳага бўлган беқиёс эътибори билан мамлакатимизда халқаро андозалардаги мукаммал ва замонавий банк-молия тизими яратилди. Бундан кейинги ҳаётимиз, шак-шубҳасиз, Ўзбекистон банк тизимининг янада барқ уриб ривожланишини таъминлайди. Бугун соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар бунга қатъий ишонч уйғотади.**

**Ф.МУЛЛАЖОНОВ,**
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Раиси,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган иқтисодчи.

(«Халқ сўзи» газетасининг 151 (5825)-сонидан)

# Зиммамиздаги вазифалар кўлами

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◄◄



Шу ўринда «Тадбиркорлар мулоқот форуми» партиявий лойиҳаси доирасида Президент фармони асосида ишлаб чиқилган «Фермерлик фаолиятини ташкил этиш янада такомиллаштирилиши ва фермерлик ривожлантирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишга тайёрланиб, қишлоқ мулкдорлари томонидан билдирилган таклифлар қонун лойиҳасини такомиллаштиришга хизмат қилганини таъкидлаш жоиз.

– Ҳудудларда ана шу муҳим фармоннинг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб этиш мақсадида фаолларимиз томонидан 100 дан ортиқ тадбир ташкил этилди, оммавий ахборот воситалари орқали эса 50 дан зиёд чиқиш қилинди, – деди йиғилишда O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Муҳаммадюсуф Тешабоев. – Бу жараён айни пайтда ҳам изчил давом эттирилаётир.

**O`ZLIDEP САЙЛОВОЛДИ ДАСТУРИДАН**

**ПАРТИЯ УЗ ОЛДИГА ҚУИИЛГАН МАҚСАДЛАРГА ҚУРУҚ ШИОРЛАР БИЛАН ЭМАС, БАЛКИ АМАЛИЙ ИШЛАР, БИРИНЧИ НАВБАТДА, МУЛКДОРЛАР СИНФИ, ТАДБИРКОРЛАР, КИЧИК ВА ХУСУСИЙ БИЗНЕС ВАКИЛЛАРИ ҲАМДА ФЕРМЕРЛАР МАНФААТЛАРИНИ ИФОДАЛАЙДИГАН АНИҚ СИЁСАТ ЮРИТИШ ОРҚАЛИ ЭРИШИШГА ИНТИЛАДИ.**

Зеро, фермерлик ҳаракати иқтисодиётимизнинг таянч бўғинига айлангани, қишлоқларда аҳоли бандлиги асосан ана шу қатлам вакиллари томонидан таъминланаётганини унутмаслигимиз лозим. Бу эса, энг аввало, O`zLiDeP зиммасига алоҳида масъулият юклайди. Фармонда фермер хўжаликларининг ҳуқуқ ва манфаатлари, уларнинг моддий-техникавий ва молиявий базаси, шунингдек, мулкий муносабатлари ишончли ҳимояланишини таъминлаш, фермер хўжаликлари фаолиятига оид долзарб масалаларни Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасининг тегишли қўмиталаридан тортиб барча бўғиндаги маҳаллий кенгашларда доимий муҳокама қилиб бориш тизимини жорий этиш белгиланган эди. Шунинг учун ҳам O`zLiDeP Фермерлар кенгашлари билан ҳамкорликда электорат вакиллари дуч келаётган ҳаётий муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳал этиш бўйича амалий таклифлар ишлаб чиқмоқда. Фермерларнинг сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий билимларини ошириш учун эса «Сиёсий таълим марказлари»да махсус ўқув режалари ишлаб чиқилди. Бир сўз билан айтганда, O`zLiDeP фармон ижросини таъминлаш учун барча куч ва имкониятлардан фойдаланмоқда.

Бугун эса яна бир бор Президентимизнинг Жиззах ва Сирдарё вилоятларига ташрифлари чоғида белгилаб берилган вазифалар, хусусан, фермерларга қўшимча ваколатлар бериш борасидаги тавсияларидан келиб чиққан ҳолда зиммамиздаги вазифалар кўламини белгилаб олиш ниҳоятда муҳимдир.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Насим Алимовнинг фикрича, фармонда белгиланган вазифаларни бажариш партиянинг ҳар бир аъзоси зиммасига катта масъулият юклайди. Бунда, айниқса, фермер хўжаликлари фаолиятидаги долзарб масалаларни ҳал этиш йўлларини аниқлашда маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гуруҳи масъулиятини янада ошириш керак.

Кенгайтирилган йиғилишда партиянинг 2013 йил биринчи ярмидаги фаолияти якунлари ва иккинчи ярим йилликдаги устувор вазифалари ҳам муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, ҳисобот даврида O`zLiDePнинг барча бўғиндаги тузилмалари фаолияти «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» талабларини ҳаётга тўла татбиқ этиш, партия Дастури ва Сайловолди платформасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, «Обод турмуш йили» Давлат дастурида белгиланган устувор вазифаларни амалга ошириш бўйича «O`zLiDePнинг 2013-2014 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастури» асосида олиб борилган. Асосий эътибор стратегик мақсад ва вазифалар, партиянинг мафкуравий, ташкилий-кадрлар, электорат, ёшлар ва аёллар билан ишлаш йўналишларидаги вазифаларни тизимли лойиҳалар орқали амалга оширишга қаратилган. Бунда 4 та йирик лойиҳа таъсис этилиб, унинг туман ва вилоят босқичлари ўтказилди.

Хусусан, «Тадбиркорлар мулоқот форуми-2013» лойиҳаси доирасида «Гаров реестри – фаровонликни ошириш ва кичик бизнесни ривожлантириш омили», «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг давлат ташкилотлари билан муносабатлари: давлат харидлари» каби мавзуларда ташкил этилган республика ва ҳудудлар миқёсидаги 40 дан ортиқ очиқ амалий мулоқотда 3500 нафарга яқин электорат вакили иштирок этган. Шунингдек, «Иқтисодиётни янада либераллаштириш соҳасида қабул қилинаётган қонун лойиҳаларининг жамоатчилик экспертизаси» лойиҳаси ишлаб чиқилиб, уни амалга ошириш учун партия ташкилотлари қошида экспертлар гуруҳи шакллантирилди.

O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасининг 2013 йил 22 мартдаги қарори асосида «Обод турмуш йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш, мамлакатда оилавий тадбиркорликни янада жадаллаштиришга кўмаклашиш мақсадида «Мулкдор оила-2013» лойиҳасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичлари ҳам якунланди.

Ёшларга мўлжалланган «Диплом билан — бизнесга» лойиҳасининг ҳудудий босқичларида эса 1418 нафар таълим муассасалари битирувчилари иштирок этиб, уларнинг 1159 нафарига тижорат банкларидан имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди. Энг муҳими, бугунги кунгача 863 нафар битирувчи молия муассасаларидан жами 4 млрд. 553 млн. сўм миқдорида микрокредит олиб, ўз бизнесини йўлга қўйишга эришди.

«Аёллар қаноти» томонидан ишлаб чиқилган ва яхши натижалар бераётган «Тадбиркорлик тамойиллари ва ишбилармонлик имкониятлари», «Оилавий тадбиркорликдан — мустаҳкам оилага» лойиҳалари ҳақида ҳам худди шундай фикр билдириш мумкин. Бир сўз билан айтганда, хусусий мулк ҳимоясини янада мустаҳкамлаш, унинг дахлсизлиги кафолатлари тизимини яратиш, тадбиркор ва ишбилармонлар йўлидаги ортиқча тўсиқларни бартараф этишга қаратилган 678 та мақсадли, яъни муайян масалага қаратилган амалий тадбирларда 48300 нафардан зиёд кичик бизнес субъекти ва фермер, шунингдек, бўлажак тадбиркорлар иштирок этдилар.

– Ҳисобот даврида «Сиёсий таълим марказлари» томонидан 307 та турли ўқув-семинар, давра суҳбати ва очиқ мулоқотлар ташкил этилди, – деди O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси аппарати раҳбари Фурқат Ҳотамов. – Уларда бошланғич партия ташкилотлари раислари, 3289 нафар партия фаоли, электорат вакиллари ҳамда 1092 нафар маҳаллий кенгаш депутати қатнашди. Шунингдек, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти билан ҳамкорликда ҳудудий партия ташкилотларида «Сиёсий партияларда – бошланғич партия ташкилотлари иш самарадорлигини ошириш» мавзуида семинар-тренинглар уюштирилиб, партия фаолларининг билим ва кўникмаларини мустаҳкамлаш имконияти яратилди.

Аммо ана шундай натижаларга қарамай, айрим ҳудудларда мавжуд имкониятлардан етарлича фойдаланилмаётгани, баъзи партиявий лойиҳаларга юзаки ёндашилаётгани, партиянинг асосий бўғини бўлган бошланғич ташкилотлар ишини жонлантиришга бир қатор туман ва шаҳар кенгашлари мутасаддилари томонидан эътиборсиз қаралаётгани ҳам йиғилишда қайд этиб ўтилди. Шунинг учун ҳам бугунги натижаларни янада яхшилаш, биринчи навбатда, партиявий ғояларнинг бевосита жойларга етиб бориши ҳамда асосий бўғин ҳисобланмиш БПТларнинг имкониятлари катта эканига ҳам жиддий эътибор қаратиш керак. Таҳлиллар шуни кўрсатаяптики, 2012 йилнинг II чорагига нисбатан жорий йилнинг мос даврида республика БПТлари сони 7713 тадан 7771 тага, партия аъзолари эса 175027 нафардан 177513 кишига етган.

Кенгайтирилган йиғилиш якунида кўриб чиқилган масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

**ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!**



Жамшид НОРҚОБИЛОВ (ЎзА) олган сурат

**2012 ЙИЛНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИДА ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТАЁТГАН 31 ТА ДАВРИЙ МАТБУОТ СУБЪЕКТИДА РЕКЛАМАГА ОИД 40 ТА ҚОНУНБУЗИЛИШ ҲОЛАТИ АНИҚЛАНГАН. ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ 1 АПРЕЛИГАЧА ЭСА УШБУ РАҚАМ ТЕГИШЛИ РАВИШДА 14 ВА 22 ТАНИ ТАШКИЛ ЭТГАН.**

**АММО АНА ШУНДАЙ НАТИЖАЛАРГА ҚАРАМАЙ, АЙРИМ ҲУДУДЛАРДА МАВЖУД ИМКОНИЯТЛАРДАН ЕТАРЛИЧА ФОЙДАЛАНИЛМАЁТГАНИ, БАЪЗИ ПАРТИЯВИЙ ЛОЙИҲАЛАРГА ЮЗАКИ ЁНДАШИЛАЁТГАНИ, ПАРТИЯНИНГ АСОСИЙ БЎҒИНИ БЎЛГАН БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТЛАР ИШИНИ ЖОНЛАНТИРИШГА БИР ҚАТОР ТУМАН ВА ШАҲАР КЕНГАШЛАРИ МУТАСАДДИЛАРИ ТОМОНИДАН ЭЪТИБОРСИЗ ҚАРАЛАЁТГАНИ ҲАМ ЙИҒИЛИШДА ҚАЙД ЭТИБ ЎТИЛДИ.**

# Қонун бузилишига йўл қўйилмайди

## «РЕКЛАМА ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУННИНГ ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДАГИ ИЖРОСИ ЮЗАСИДАН ЎТКАЗИЛГАН ТАДБИРДА БИР ҚАТОР ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ТОМОНИДАН ҚОНУН ТАЛАБЛАРИ БУЗИЛАЁТГАНИ МАЪЛУМ ҚИЛИНДИ

**Озод РАЖАБОВ,**
«XXI asr»

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитасининг 2012 йил 30 июлда қабул қилинган қарори ижроси муҳокама этилган навбатдаги тадбирда, энг аввало, мамлакатимизда рекламага оид муносабатларни тартибга солувчи мукаммал қонунчилик базаси яратилгани таъкидланди. Хусусан, «Реклама тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши реклама бозори инфраструктурасининг жадал ривожланишига хизмат қилаяпти.

— Кейинги йилларда ахборот-коммуникация воситаларининг жадал ривожланиши туфайли реклама соҳаси ҳам ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизнинг муҳим таркибий қисмига айланди, — деди қўмита раиси, O`zLiDeP фракцияси аъзоси Абдурашид Жўрабоев. — Бугунга келиб реклама ахбороти нафақат товар ва хизматлар бозорида, балки жамиятда муайян бир фикрни шакллантиришда асосий роль ўйнайдиган муҳим соҳа сифатида намоён бўлмоқда.

Мазкур бозорга оид таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, 2011 йили реклама агентликлари сони 482 тани ташкил этган бўлса, айни пайтда бу кўрсаткич 500 тага етди. Реклама тарқатишда телевидение асосий субъект ҳисобланиб, унинг ушбу бозордаги улуши 52 фоиз, босма нашрлар ҳиссаси 22, ташқи реклама 14, радионинг улуши эса 12 фоиздан иборат бўлмоқда.

Йиғилишда алоҳида таъкидланганидек, «Реклама тўғрисида»ги қонун талабларига риоя этилишини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳри ва Самарқанд вилояти ҳокимлари томонидан тегишли қарорлар қабул қилиниб, ташқи рекламани жойлаштириш бўйича махсус комиссия иш олиб бораяпти. Ана шу комиссия томонидан реклама соҳасига оид қонунчилик нормаларини тушунтиришда кенг кўламли ишлар олиб борилаётир. Бунда асосий эътибор қонун нормалари мазмун-моҳиятини жамоатчилик, реклама агентликларига етказиш, маҳаллий товар ишлаб чиқарувчиларнинг реклама фаолиятини рағбатлантириш, энг асосийси, қонун бузилишларининг олдини олиш мақсадида профилактика ишларини кучайтиришга қаратилмоқда.

Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари Фазлиддин Зиёевнинг қайд этишича, реклама бозорининг умумий ҳажмида пойтахт улуши 52 фоизни ташкил этаяпти. Бу бозорда 200 дан ортиқ субъект фаолият юритаётган бўлса, уларнинг 68 таси ташқи рекламани жойлаштиришга ихтисослашган агентликлардир. Шунингдек, пойтахтда ташқи рекламани намойиш этишга мўлжалланган 19 та катта ҳажмдаги монитор нури йўловчи ва ҳайдовчиларнинг кўриш имкониятини чекламаслиги учун уларнинг ёруғлик даражаси 15 фоизга камайтирилган.

Самарқанд вилоятида эса ТВнинг улуши 42 фоиз, радионики 14, босма нашрларники 28, ташқи рекламаники 16 фоизга тўғри келмоқда.

Вилоят ҳокимлиги қошидаги ташқи реклама комиссияси томонидан қонуннинг 23-моддаси билан тамаки маҳсулотлари ва алькоголли ичимликлар рекламаси тақиқлангани ҳақидаги норманинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчилик, айниқса, ёшларга етказиш мақсадида оммавий ахборот воситаларида ушбу мавзуга оид чиқишлар (9 та) қилиниб, ўқув муассасалари ва маҳаллаларда юздан ортиқ давра суҳбатлари ўтказилгани ижобий ҳолат сифатида баҳоланди.

Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси ўринбосари Умар Турдиев эса «Реклама тўғрисида»ги қонуннинг жойлардаги ижроси юзасидан таъсирчан мониторингни амалга ошириш мақсадида ушбу муассаса томонидан 2012 йилда жами 672 та ўрганиш олиб борилган бўлса, 377 та ҳолатда қонун бузилиши ҳолатлари аниқланганига эътибор қаратди. Жумладан, мазкур кўрсаткичлар Тошкент шаҳрида 84 та ўрганишда 76 тани, Самарқанд вилоятида эса 21 та ўрганиш давомида 35 тани ташкил этган. Бу, шубҳасиз, қўмита мутахассислари томонидан қонун ижроси қатъий назоратга олинганини, аниқланган камчиликлар бўйича кўрилаётган чоралар келгусида қонунбузилиш ҳолатларининг олди олинишига хизмат қилаётганидан далолат бермоқда.

— Бугунги йиғилишда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан «Реклама тўғрисида»ги қонун нормаларини реклама тарқатувчиларга етказиш ҳамда улар ўртасида тушунтириш ишлари олиб бориш изчил йўлга қўйилгани ҳолда, мавжуд имкониятлардан ҳали етарлича фойдаланилмаётгани ҳам таъкидланди, — дейди O`zLiDeP фракцияси аъзоси Фахриддин Солиев. — Хусусан, мазкур қонун талабларининг босма нашрлардаги ижроси мониторинг қилинганда, 2012 йилнинг иккинчи ярмида Тошкент шаҳри ва Самарқанд вилоятида фаолият кўрсатаётган 31 та даврий матбуот субъектида рекламага оид 40 та қонунбузилиш ҳолати аниқланган. Жорий йилнинг 1 апрелигача эса ушбу рақам тегишли равишда 14 ва 22 тани ташкил этган.

Бу борадаги «илғор»лар қаторида «Тасвир плюс» журнали, «Ҳумо» ва «Самарқанд» газеталари тилга олинганини таъкидлаш жоиз. Лекин таҳлилий маълумотларни кўздан кечирганимизда «Дармон» журнали, «Кросс», «Тўтиқуш», «Тошкент оқшоми» ва «Зарафшон» газеталари ҳам улардан қолишмаётгани маълум бўлди. Кези келганда қонуннинг 14-моддасида ўқувчилар идрокига ўзи англамаган ҳолда таъсир ўтказадиган яширин рекламаларни жойлаштириш тақиқланган бўлса-да, «Интерспорт» ва «Сирли табобат» газеталари, «Санам» ва «Автоҳамроҳ» журналларининг айрим сонларида шундай ҳолатлар учраётганига эътибор қаратилдики, бундан ана шу нашр мутасаддилари билан бирга уларнинг муассислари ҳам жиддий хулосалар чиқариши лозим.

Қўмита йиғилишида «Реклама тўғрисида»ги қонуннинг айрим нормаларини янада такомиллаштириш, жумладан, реклама ва эълон тушунчаларини тўлиқ бир-биридан ажратиш, бинолар пештоқидаги лавҳлар қайси тоифага киришини аниқлаштириш, жамоат транспортида дори воситалари рекламасини жойлаштириш қанчалик мақсадга мувофиқ экани, шунингдек, реклама тайёрловчилар ва тарқатувчиларнинг ҳуқуқий саводхонлигини янада ошириш масалалари ҳақида ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Йиғилиш якунида муҳокама қилинган масалалар юзасидан қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

# Хабарлар

## ҚОНУННИ БУЗМАНГ-ДА, ОҒАЙНИ!

**2000 йили мамлакатимизда икки мингга яқин йўналиш орқали аҳолига транспорт хизмати кўрсатилган бўлса, бугунга келиб улар сони 4173 тага етди. Шулардан 1003 тасини шаҳар, 2536 тасини шаҳар атрофи ва 634 тасини шаҳарлараро йўналишлар ташкил этади.**

**Ўзбекистон Автомобиль ва дарё транспорти агентлигининг олти ойлик фаолияти якунларига бағишланган матбуот анжуманида ана шу рақамлар тилга олинди. Мутахассислар олти ой давомида автомобиль қатнови бўйича ўтказилган 67 та очиқ тендерда 635 та янги йўналиш эгалари аниқланганини, эътиборлиси, уларнинг 236 таси хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан ташкил этилганини таъкидладилар. Шу ўринда 2013 йилнинг январь-июнь ойларида агентлик ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан хўжалик юритувчи субъектларга жами 1587 та лицензия ва 99085 та лицензия варақалари берилганини айтиш мумкин.**

**Тадбирда, шунингдек, ҳисобот даврида Йўл ҳаракати хавфсизлиги давлат хизмати ҳамда солиқ органлари билан ҳамкорликда 2007 маротаба қўшма рейд ўтказилиб, амалдаги қонун талабларининг бузилишига олиб келган 28259 ҳолат аниқланганини ҳам маълум қилинди.**

Равшан ҲАЙДАРОВ.

## РОССИЯЛИКЛАР ҚИЗИЛТЕПА ТЎШАГИНИ ТАНЛАШАЯПТИ

**Навоий вилоятида иш бошлаган «NEW Nextile» Ўзбекистон-Корея қўшма корхонаси жаҳон бозорида харидоргир бўлган электр тўшакларни экспорт қилишни режалаштирмоқда. Дастлаб 280 минг АҚШ доллари миқдоридаги сармоя эвазига йилига 30 минг дона электр тўшак тайёрлашни кўзда тутган корхонада 18 та янги иш ўрни ҳам яратилади.**

**Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармасидан маълум қилишларича, ушбу корхона маҳсулотларига хорижликлар катта қизиқиш билдиришмоқда. Зотан, ишлаб чиқариладиган маҳсулот тўлиқ экспортга мўлжалланган бўлиб, унинг асосий буюртмачиси Россия Федерациясидир.**

**Мутахассисларнинг фикрича, корхона тўла қувват билан ишга тушгач, бу ерда 300 нафардан зиёд иш ўрни ташкил этилади.**

Мансур АСЛОНОВ.

# Партиядан йўналиш, банкдан эса сармоя

НАВҚИРОН АВЛОД ВАКИЛЛАРИДА ТАДБИРКОРЛИК КЎНИКМАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ O`ZLIDEP ЁШЛАР СИЁСАТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИДАН БИРИДИР

**Шухрат РАҲИМОВ,**
«XXI asr»



Жиззах педагогика коллежида ташкил этилган «Диплом билан — бизнесга-2013» лойиҳаси доирасидаги тадбирларда ҳам айнан шу йўналишга алоҳида эътибор қаратилди.

Унда халқ депутатлари Жиззах вилоят кенгашидаги O`zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзолари, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими, Савдо-саноат палатаси ҳудудий бошқармалари, «Ипотека банк», «Асака-банк», «Микрокредитбанк», Давлат солиқ бошқармаси ходимлари ва мутахассис-экспертлар 66 нафар ёш йигит-қизнинг соҳага оид билимларини синовдан ўтказдилар.

— Партиявий лойиҳадан кўзланган асосий мақсад олий ўқув юртлари ва касб-ҳунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлашга кўмаклашиш, айниқса, ёшларнинг инновацион лойиҳа ва ташаббусларини рағбатлантиришдан иборат, — дейди O`zLiDeP вилоят кенгаши Ёшлар билан ишлаш бўлими мудири Олим Норжигитов. — Бу йилги семинар иштирокчилари учун дарслар олий таълим муассасаларининг замонавий ўқув-лабораторияларида олиб борилди.

Иштирокчилар гуруҳларга бўлинган ҳолда «Бизнес-режа нима ва уни тайёрлаш талаблари», «Тадбиркорлик фаолиятини тартибга солувчи қонуний-меъёрий ҳужжатлар», «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиблари», «Гаров таъминотининг турлари ҳамда гаров ҳужжатларини расмийлаштириш тартиблари», «Кичик бизнес вакиллари учун солиқлар ва яратилган имтиёзлар» мавзуларидаги амалий машғулотларда иштирок этдилар.

— Мазкур семинар ҳам O`zLiDePнинг ёшлар учун иқтисодий-ҳуқуқий шароитлар яратаётганига мисол бўлиши мумкин, — дейди Ғаллаорол туманидаги Лалмикор саноат касб-ҳунар коллежи талабаси Сожида Раҳмонова. — Машғулотлар давомида соҳа мутахассисларидан кенг маълумотлар олдик. Семинар якунида якка тартибда тикувчилик фаолиятини йўлга қўйиш учун «Микрокредитбанк»нинг 2,3 млн. сўмлик имтиёзли кредити юзасидан сертификат олдим.

— Тадбирда кредитларни расмийлаштириш ва улардан мақсадли фойдаланиш борасида ҳам маълумотлар берилди, — дейди Жиззах енгил саноат касб-ҳунар коллежи талабаси Руслан Мўминов. — Шахсан ўзим «Диплом билан — бизнесга» лойиҳаси доирасидаги ўқув-семинарларда қатнашиб, «Иссиқхона фаолиятини йўлга қўйиш» учун «Ипотека банк»нинг 3,6 млн. сўмлик имтиёзли кредитига эга бўлдим.

Жиззах туман маиший хизмат ва иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи талабаси Аброр Худойбердиев ҳам мазкур семинарнинг энг фаол иштирокчиларидан бўлди.

— Ўқув-семинар давомида тажрибали мутахассислардан бизнесни бошлашдаги дастлабки ва кейинги босқич жараёнларида учрайдиган баъзи муаммоларни ҳал этиш амалиётини ўргандик. Бу, шубҳасиз, олган билимларимизни амалиётда қўллашда муҳим омил бўлади, — дейди А.Худойбердиев.

**O`ZLIDEP САЙЛОВОЛДИ ДАСТУРИДАН**

**ПАРТИЯНИНГ УСТУВОР ВАЗИФАСИ — ЁШЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ, УЛАР УЧУН КАСБИЙ, ИЖОДИЙ ВА МАНСАБ ПИЛЛАПОЯЛАРИДАН ЎСИШ УЧУН ИМКОНИЯТЛАР ЯРАТИШДАН ИБОРАТ. ЁШЛАР САЛОҲИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ — БУ КЕЛАЖАККА САРМОЯ КИРИТИШ, ДЕМАКДИР.**

**ПАРТИЯВИЙ ЛОЙИҲАДАН КЎЗЛАНГАН АСОСИЙ МАҚСАД ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ВА КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИ БИТИРУВЧИЛАРИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШГА КЎМАКЛАШИШ, АЙНИҚСА, ЁШЛАРНИНГ ИННОВАЦИОН ЛОЙИҲА ВА ТАШАББУСЛАРИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШДАН ИБОРАТ**

## «Аёллар қаноти»

# Оилавий тадбиркорлик ҳар қандай оилани мустаҳкамлайди

«АЁЛЛАР ҚАНОТИ» ТАШАББУСИ БИЛАН ТАЪСИС ЭТИЛГАН «ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИКДАН — МУСТАҲКАМ ОИЛАГА» ЛОЙИҲАСИНИНГ БУХОРО ВИЛОЯТ БОСҚИЧИДА ЎЗ БИЗНЕСИНИ БОШЛАШ АРАФАСИДА ТУРГАН 80 НАФАР ХОТИН-ҚИЗ ИШТИРОК ЭТДИ

**Асхор ИСТАМОВ,**
«XXI asr»

Тадбирда «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонунга асосан бизнеснинг ушбу шакли бўйича белгиланган имтиёз ва преференциялар аҳолининг турли қатламлари учун кенг имкониятлар яратиб, уларнинг турмуш шароитларини яхшилашда муҳим омил бўлаётгани алоҳида эътироф этилди. Маълумки, «Обод турмуш йили» Давлат дастурида аёлларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган қатор чора-тадбирлар кўзда тутилган. O`zLiDeP ана шундан келиб чиққан ҳолда, аёлларнинг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаёти ва тадбиркорлик фаолиятидаги ўрнини оширишга жиддий эътибор қаратаяпти.

— Ўқув-семинар давомида олган билимларимиз фаолиятимизни йўлга қўйишда асқотади, албатта, — дейди когонлик тадбиркор Умида Мардонова. — Биз, тўрт нафар аёл ҳунармандчиликнинг зардўзлик йўналишида иш олиб боришни режалаштиргандик. Шу мақсадда «Қишлоқ қурилиш банк»нинг туман бўлимидан имтиёзли кредит олмоқчимиз.

Ғиждувон туманидаги «Тўйбиби, Гулҳаё, Севинчбону» хусусий корхонаси раҳбари Тўйбиби Икромованинг фикрича, лойиҳа доирасидаги барча тадбирлар бошловчи тадбиркорларга қўл келмоқда.

— Бугунги семинардан кейин ўзим ҳам ишчилар сонини 15 нафарга етказишга, маҳсулотлар сифатини яхшилаш ва турини кенгайтиришга қарор қилдим, — дейди у. — Шу мақсадда тижорат банки кредити эвазига бир нечта тикув машинаси харид қилмоқчиман.

— «Микрокредитбанк»нинг 3,5 миллион сўмлик кредитини олиб, «Сабо-Ситора-Мироншоҳ» фирмаси билан ўзаро шартнома асосида иш олиб бораётган эдик, — дейди жондорлик тадбиркор Собоҳат Қулиева. — Айни пайтда туман марказида истироҳат боғи барпо этаяпмиз. Турли пишириқлар тайёрлашни ўрганмоқчи бўлган 10 нафар қиз-жувонларни ҳам ўқитаяпмиз. Бугунги семинарда тажрибали тадбиркорлардан янги йўналишларда ишлашни ўргандим.

Ҳа, чиндан ҳам «Оилавий тадбиркорликдан — мустаҳкам оилага» лойиҳаси тадбиркорлар маҳорати, билими ва кўникмаларини мустаҳкамлаш имконини ҳам бераяпти. Семинарда аёлларнинг бизнес-режалари тақдимоти ҳам ўтказилди.

Тадбир якунида эса Когон қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи битирувчиси Фарида Шавкатовага «Миллий банк»нинг туман бўлимидан 6 миллион сўмлик кредит ажратишга қарор қилингани ҳам маълум бўлди. Партия фаолларининг фикрича, жорий йил охиригача жами 30 нафар тадбиркор аёлга ҳам имтиёзли кредитлар ажратилади.

## Хабарлар

### ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

**O`zLiDeP Фарғона вилоят кенгаши ташаббуси билан Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси, Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази, вилоятдаги акциядорлик жамиятлари вакиллари иштирокида «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси мухокама қилинди.**

**Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари — O`zLiDeP фракцияси аъзолари Р.Асқаров, Ф.Омонова, Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва кафолатни ривожлантириш давлат қўмитаси бошқарма бошлиғи А.Миралиев сўзга чиқиб, янги тахрирдаги қонунда акциядорлик жамиятларининг кузатув кенгашлари, акциядорларнинг умумий йиғилишлари, жамият тафтиш комиссиясининг роли ва аҳамиятини ошириш, миноритар, яъни акцияси кам бўлган акциядорларнинг кафолатларини кўпроқ таъминлаш, барча акциядорлар ва бўлажак инвесторларнинг акциядорлик жамияти фаолияти тўғрисида ахборот олиш имкониятларини кенгайтиришга оид нормаларга атрофлича изох бердилар.**

### НАВОИЙДА ШЕЪРСИЗ КЕЧА ЎТМАЙДИ

**Навбахор туманидаги Иқтисодиёт касб-ҳунар коллежида иш олиб бораётган бошланғич ташкилот аъзолари Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 22 йиллигига бағишлаб «Кўзларга тўтиё — Ватан тупроғи» мавзуида сиёсий-маърифий тадбир ўтказдилар.**

**O`zLiDeP «Ёшлар қаноти», Маънавий тарғибот маркази хамда «Камолот» ЁИҲ туман бўлими билан хамкорликда ташкил этилган учрашувда истиқлол йилларида миллий қадрият, урф-одат ва анъаналаримизни тиклаш, ахолининг тинч ва осойишта хаёти, фаровон турмуши учун яратилган шарт-шароитлар бугунги кун натижаларига мустахкам замин бўлаётгани алохида таъкидланди.**

**Тадбир сўнгида «Энг улуғ, энг азиз байрам» тадбирларини зўр шодиёна сифатида ўтказиш мақсадида ташкил этилган тарғибот гурухи аъзолари ўзларининг мустақил Ўзбекистон, истиқлол хамда ватанпарварлик мавзуларидаги шеърларини ўқиб бердилар.**

Мансур АСЛОНОВ.

# Сессияга масала киритилди. Ва...

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ КАСБИ ТУМАН КЕНГАШИДАГИ O`ZLIDEP ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲИ ТОМОНИДАН КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИ БИТИРУВЧИЛАРИНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ВА 2013 ЙИЛГИ ИНВЕСТИЦИЯ ДАСТУРИ, НАМУНАВИЙ ЛОЙИҲАЛАР АСОСИДА УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИ ИЖРОСИ ЮЗАСИДАН ТУМАН КЕНГАШИ СЕССИЯСИГА УЧТА МАСАЛА КИРИТИЛДИ

**Сайфулла ИКРОМОВ,**
«XXI asr»

Сессияда туман бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази директори ўринбосари И.Муқимов ахборот бериб, 2013 йилда ёшлар учун 3769 та, жами 5462 та янги иш ўрни яратиш бўйича дастур ишлаб чиқилгани, ҳозирги кунгача бу борада кенг кўламда ишлар олиб борилаётганини таъкидлади.

— Касбида ёшларни иш билан таъминлаш учун етарлича имкониятлар бор, — дейди депутатлик гуруҳи раҳбари Валерий Самиев. — Тўғри, баъзи ҳолларда касб-ҳунар коллежлари битирувчилари ўзларига муносиб иш топа олмаяптилар. Туманимизда йирик корхоналар камлиги боис ёшлар бандлиги асосан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш орқали таъминланмоқда.

Ана шуларни инобатга олиб, депутатларимиз хориждан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган замонавий технологиялар келтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратмоқдалар.

Маълумки, туманда ёғоч ўймакорлиги, ҳунармандчилик ва кулолчилик яхши ривожланган. Ана шундан келиб чиқиб, ҳунармандчилик корхоналари ишини йўлга қўйиш, кулоллар маҳсулотини сотиш учун вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида махсус дўконлар ташкил этишга ҳаракат қилаяпмиз.

Сессияда, шунингдек, коллеж битирувчиларини кўпроқ тадбиркорликка йўналтириш, улар учун қулай бизнес муҳити яратиб, молия муассасаларидан имтиёзли кредитлар ажратишда ёрдам кўрсатиш зарурлигига ҳам эътибор қаратилди.

Иккинчи масала юзасидан туман ҳокимининг биринчи ўринбосари З.Турсуновнинг ахбороти эшитилди. Унинг айтишича, айни пайтда жами ўн учта объектда олиб борилаётган қурилиш-таъмирлаш ишлари учун 3 млрд. 524 млн. 200 минг сўм ажратилган. Жумладан, иккита касб-ҳунар коллежи филиали, бир коллеж ва икки мактаб, бир спорт зали, бешта янги массивда ичимлик сув иншоотлари қуриш ва таъмирлаш жараёни кетмоқда. Иккита қишлоқда ичимлик сув тармоқларини реконструкция қилиш ишлари олиб борилаяпти. Бешта массивда намунавий лойиҳалар асосида 92 та уй-жой бунёд этилаяпти.

— «Обод турмуш йили» Давлат дастурида қишлоқ аҳолисининг уй-жой шароитини яхшилаш устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган, — дейди депутат Нормурод Жўраев. — Зеро, Юртбошимиз ташаббуси билан бунёд этилаётган бундай уй-жойлар қишлоқларимизга кўрк қўшиб, халқимизга муносиб туҳфа бўлаётир.

— Касби туманида ҳам депутатлик гуруҳимиз томонидан бир қатор долзарб масалалар муҳокама этилаётганини алоҳида таъкидлаш керак, — дейди O`zLiDeP Қашқадарё вилоят кенгаши Депутатлик гуруҳлари билан ишлаш сектори мудири Дилшод Турсунов. — Ўтган йили гуруҳ йиғилишларида учта туман ташкилоти раҳбарининг ҳисоботи эшитилган эди. Бу галги масалалар ҳам долзарблиги билан аҳамиятлидир. Эндиликда тумандаги саккизта касб-ҳунар коллежи битирувчиларини иш билан таъминлашга депутатларимиз масъул этиб белгиланди. Айни пайтда 10 нафар депутатимиз бўлиб, улар томонидан ҳар ойда икки маротаба ўтказилаётган йиғилишларда янги-янги ташаббуслар илгари сурилмоқда

Депутатлик гуруҳи йиғилишларида партия тузилмаларининг ташкилий, ахборот-таҳлилий, тарғибот-ташвиқот фаолияти ҳам танқидий жиҳатдан кўриб чиқилмоқда.

# Депутатлик масъулияти

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИНИНГ ШАҲАР ВА ТУМАН КЕНГАШЛАРИДА O`ZLIDEPДАН САЙЛАНГАН 203 НАФАР ДЕПУТАТ ҲУДУДИЙ ДАСТУРЛАР ИЖРОСИНИ ҚАТЪИЙ НАЗОРАТ ҚИЛМОҚДА

**Муҳаббат РАВШАНОВА,**
«XXI asr»

**КЕЙИНГИ ЙИЛЛАР МОБАЙНИДА НАРПАЙ, ЖОМБОЙ, УРГУТ ТУМАНЛАРИДАГИ O`ZLIDEP ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲЛАРИ ТОМОНИДАН СЕССИЯЛАРГА БИРОРТА ҲАМ МАСАЛА КИРИТИЛМАГАН**

O`zLiDeP вилоят кенгашининг депутатлик гуруҳлари билан ишлаш бўйича етакчи консультанти Нодир Тўраевнинг маълум қилишича, кейинги йилларда депутатлик гуруҳлари иши анча жонланган. Хусусан, Булунғур, Тайлоқ, Нуробод, Самарқанд, Оқдарё, Каттақўрғон туманлари, Самарқанд ва Каттақўрғон шаҳарларидаги депутатлик гуруҳлари халқ депутатлари туман кенгашлари сессияларига долзарб масалалар киритишда ҳам жонбозлик кўрсатишаётир. Масалан, яқинда Каттақўрғон шаҳри ва Каттақўрғон туманларида «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуннинг ижроси сессияда кўриб чиқилиб, унинг якуни бўйича келгуси вазифалар белгилаб олинди.

Оқдарё ва Нуробод туманларида эса Президентимизнинг «Қишлоқ ва шаҳар аҳолисини сифатли ичимлик сув билан таъминлашни янада яхшилаш ва табиий газдан тежамли фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қандай бажарилаётганига доир масала атрофлича ўрганилиб, сессия муҳокамасига киритилди. Албатта, бундай ёндашув қай даражада наф келтиргани кўпчиликни қизиқтириши табиий. Биргина Нуробод тумани мисолида олсак, жорий йилнинг олти ойида янги лойиҳалар асосида қурилган 2 та массив ҳамда 3 та қишлоқда сув иншоотлари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Хусусан, «Саҳоба ота» қишлоғида 19 км. масофага тортилган сув иншоотини бунёд этиш учун 673 млн. сўмдан ортиқ маблағ сарфланган бўлса, «Жом» қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик сув билан таъминлаш учун 2 км. масофадаги сув иншоотини таъминлаш ва сув тармоғи қуриш учун 284 млн. сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди.

Туман кенгаши депутати Холмурод Сориевнинг айтишича, амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари доимо депутатлар назоратида бўлиб, йил охиригача яна 5 та қишлоқда янги сув иншоотларини қуриш режалаштирилган.

Аммо вилоятнинг айрим туманларидаги депутатлик гуруҳлари фаолиятини ижобий баҳолаб бўлмайди. Масалан, кейинги йиллар мобайнида Нарпай, Жомбой, Ургут туманларидаги O`zLiDeP депутатлик гуруҳлари томонидан сессияларга бирорта ҳам масала киритилмаган. Тўғри, улар томонидан тегишли ташкилот ва идора мутасаддиларига сайловчилар мурожаати асосида юборилаётган «Депутатлик сўровлари» ва унинг ижобий самаралари анчагина. Лекин бир ёки икки нафар депутатнинг ҳаракати катта ҳудуддаги муаммоларни ўрганиш ва сессия кун тартибига тайёрлаш учун етарли эмас.

Бу жараён тизимли йўлга қўйилса, бошланғич ташкилотлар, партия фаолларининг муайян масалалар бўйича фикр-мулоҳазалари жамланса, депутат ўз фаолиятини аниқ мақсадларга йўналтира олади.

O`zLiDeP вилоят кенгаши ҳамда халқ депутатлари вилоят кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи билан биргаликда жорий йил бошида йиллик иш режаси тайёрланган бўлиб, унда 17 та масала кўриб чиқилиши белгиланган эди. Мазкур режа асосида депутатлар томонидан қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Чунончи, жорий йилнинг биринчи чорагида халқ депутатлари Самарқанд вилоят кенгашининг Саноат, транспорт, қурилиш, алоқа, коммунал хўжалик ҳамда аҳолига хизматлар кўрсатиш масалалари бўйича доимий комиссияси ҳамда O`zLiDeP депутатлик гуруҳининг қўшма йиғилишида Савдо-саноат палатаси Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғининг «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуни ижроси юзасидан ҳисоботи эшитилди. Аҳамиятлиси, унда юзага келаётган муаммо ва йўл қўйилаётган камчиликлар ҳақида ҳам аниқ тавсиялар билдирилди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, депутатлик давлат ва жамият юкини елкага олиш, дегани экан, бу йўлда баҳоналар эмас, амалий ишларгагина таяниш лозим. Бу эса сайловчига холис баҳо бериш имконини беради, албатта.

# Ҳар бир мурожаат ортида инсон бор

O`ZLIDEP ФРАКЦИЯСИ АЪЗОЛАРИНИНГ ФИКРИЧА, «ЖИСМОНИЙ ВА ЮРИДИК ШАХСЛАРНИНГ МУРОЖААТЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИДА ХУСУСИЙ СЕКТОР ВАКИЛЛАРИНИНГ МУРОЖААТЛАРИ ЮЗАСИДАН ТИЗИМЛИ ИШЛАР ОЛИБ БОРИШ МЕХАНИЗМИ БЕЛГИЛАНАЁТГАНИ ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТИНИ ТЎЛАРОҚ ИФОДАЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

**Муҳаббат ТОХТАЕВА,**
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O`zLiDeP фракцияси аъзоси



Президентимиз Ислом Каримов халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида одамларнинг кундан-кунга ижтимоий-сиёсий фаоллиги ва уларнинг талаб-эҳтиёжлари ортиб бораётган ҳозирги пайтда раҳбар кадрлар масъулияти юқори бўлиши лозимлигига тўхталиб, фуқароларнинг мурожаатларига жиддий эътибор билан ёндашиш зарурлигини алоҳида таъкидлаган эдилар: «... ҳар қайси мурожаатнинг ортида тирик жон турибди, уларда кимнингдир арз-доди, керак бўлса, дарди, айрим амалдорлар томонидан йўл қўйилган адолатсизлик турганини ҳеч қачон унутмаслик лозим».

Дарҳақиқат, муаммо ўз-ўзидан ҳал бўлади, деган кайфият билан юриш жуда катта хатодир. Агар ҳар қайси раҳбар, етакчи ўзи дуч келган муаммони бугун счмаса, эртага кеч бўлади. Бу масалада ҳам масъулият, ҳам жонкуярлик, ҳам адолатли ёндашув талаб қилиниши барчамизга яхши маълум. Шу маънода Вазирлар Маҳкамаси томонидан яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритилган «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг қабул қилиниши бу борадаги муносабатларнинг ҳуқуқий асосини янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

Аслида Бош қонунимизнинг бир қатор моддаларида ҳам бу масала ўз аксини топган. Жумладан, 2-моддада давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилиши, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамият ва фуқаролар оллида масъуллиги, 35-моддада эса ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органлари, муассасалари ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканини мустаҳкамлаб қўйилган.

Шу ўринда фуқароларнинг давлат органлари ҳамда муассасаларига мурожаатлари ва уни кўриб чиқиш соҳасидаги муносабатлар 2002 йилда янги таҳрирда қабул қилинган «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонуни билан тартибга солинаётганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Лекин ҳозирги тезкор давр бу борадаги қонунчиликни янада такомиллаштириш кераклигини кўрсатмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 14 февраллаги қарори билан тасдиқланган «Обод турмуш йили» Давлат дастурининг 3-банди ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган янги қонун лойиҳаси айнан шу жиҳатларни ўзида мужассам этгани билан ҳам аҳамиятлидир.

Таклиф этилаётган қонун лойиҳасида тобора ривожланиб бораётган фуқаролик жамияти институтларининг ҳуқуқларини таъминлаш, жумладан, юридик шахслар мурожаатларини кўриб чиқиш билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни тартибга солишдаги ҳуқуқий бўшлиқ тўлдирилаётганини ҳам қайд этиш лозим.

Янги лойиҳада қонун қабул қилинганидан кейин уни татбиқ этиш доираси ҳам аниқ белгиланмоқда. Шу билан бирга, процессуал қонунчилик билан тартибга солиниши белгиланган ҳуқуқий муносабатларни қонуннинг тартибга солиш доирасидан ажратадиган қоидалар ҳам киритилаётир. Шунингдек, ахборот технологиялари ривожланиши билан боғлиқ жараён сифатида «электрон мурожаат» турининг ҳуқуқий мустаҳкамланиши ҳам муҳим янгиликлардандир.

Бундан ташқари давлат органларининг, мансабдор шахсларнинг мурожаатларни кўриб чиқиш ва ҳал этишдаги масъулияти оширилиб, амалиётда дуч келинаётган такрорий мурожаат, мурожаатнинг дубликати, қўшимча мурожаатлар масалаларига аниқ таъриф берилиб, уларни кўриб чиқиш тартиби белгиланмоқда. Бу эса давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан мурожаатларни кўриб чиқишда ҳуқуқни қўллашнинг ягона амалиётини жорий қилиш имконини беради.

Қонун лойиҳасини тайёрлашда хорижий тажриба ҳам ўрганилиб, унинг миллий қонунчилигимиз билан уйғун ва илғор жиҳатларига эътибор берилган.

Хулоса қилиб айтганда, парламент қуйи палатасида иккинчи ўқишда муҳокамага тайёрланаётган қонун лойиҳаси тадбиркор ва ишбилармонлар манфаатини янада кенгроқ ҳимоя қилишни назарда тутади. Шунинг учун ҳам фракциямиз аъзолари мазкур қонун лойиҳасини концептуал жиҳатдан маъқуллаб, унинг айрим нормаларини янада такомиллаштириш бўйича қатор таклифларни илгари сурдилар.

**ТАКЛИФ ЭТИЛАЁТГАН ҚОНУН ЛОЙИҲАСИДА ЮРИДИК ШАХСЛАР МУРОЖААТЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚИШ БИЛАН БОҒЛИҚ ИЖТИМОИЙ МУНОСАБАТЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИШДАГИ ҲУҚУҚИЙ БЎШЛИҚ ТЎЛДИРИЛАЁТГАНИНИ ҲАМ ҚАЙД ЭТИШ ЛОЗИМ.**

**Ҳуқуқий** эксперимент:

# Қонун мукаммалигидан манфаатдормиз

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◄◄

**Асхор ИСТАМОВ,**
«XXI asr»

Экспериментнинг навбатдаги босқичида ҳокимликларнинг турли бўлимлари, давлат бошқаруви идоралари ҳудудий бўлинмалари орқали ахборот тўплаш ва тарқатишни мувофиқлаштириш, журналистлар ўқувини йўлга қўйиш, жойларда босма ва электрон шаклдаги ахборот-коммуникация тизимини такомиллаштириш, фуқаролар, ташкилотлар ҳамда матбуот органларининг ахборот олиш билан боғлиқ сўровларини таҳлил қилиш ва умумлаштириш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилаяпти.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотларнинг ҳозирги босқичи ҳар биримиздан ғоявий-сиёсий етукликни тақозо этмоқда. Шу маънода юқорида тилга олинган қонуннинг қабул қилиниши жамиятда ахборот олиш ва фойдаланиш эркинлигини тўла таъминлаш, ОАВлар ролини кучайтириш, уларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан амалий ҳамкорлигини янада кенгайтиришга хизмат қилиши шубҳасиздир.

Бухородаги «Осиё-Бухоро» меҳмонхонасида Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ташаббуси билан «Региональний диалог» (Словения) халқаро нодавлат нотижорат ташкилоти билан ҳамкорликда ўтказилган «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ахборот хизматлари салоҳиятини ошириш ҳамда уларнинг ОАВлар билан ўзаро алоқаларини янада кенгайтириш» мавзуидаги семинар-тренингда ҳам ана шу масалалар хусусида сўз юритилди.

Таъкидланганидек, мазкур қонун лойиҳаси жамиятда сўз ва ахборот эркинлигини таъминлаш матбуотнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришда алоҳида аҳамиятга эгадир. Семинар-тренинг давомида, шунингдек, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ОАВлар ўртасида ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйишнинг янги тамойиллари, замонавий шакл ва усулларини амалиётда кенг қўллаш, аҳолини ҳуқуқий синовдан хабардор этишнинг самарали механизмларидан фойдаланиш, давлат ҳокимияти органлари устидан таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга ошириш масалалари юзасидан муҳим фикр-мулоҳазалар ўртага ташланди.

Тадбирда ахборот хизматларининг касбий ва техник даражасини ривожлантириш, веб-сайтлардан фойдаланиш самарадорлигига эришиш, аҳолини ижтимоий аҳамиятга молик ахборотлардан тўла хабардор қилиш, бу борада тўпланган хорижий тажрибаларни Ўзбекистонда ҳам кенг жорий этиш зарурлигига ҳам эътибор қаратилди.

«Региональный диалог» халқаро нодавлат нотижорат ташкилотининг мамлакатимиздаги филиали раҳбари Мьюша Северннинг фикрича, Ўзбекистон Республикасида қонун устуворлигини таъминлаш, жамиятни тубдан янгилаш, маҳалла институти ва сиёсий партиялар ролини ошириш устувор вазифага айланган. Бу эса ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этишнинг асосий шартларидандир.

— Ҳуқуқий экспериментни кузата туриб, юртингизда қонун ижодкорлигига давлат даражасида аҳамият қаратилаётганига яна бир карра амин бўлдим, — дейди М.Север.

Интерфаол усулда ўтказилган семинар-тренингда Бухоро вилояти ҳокимлиги матбуот хизмати раҳбари, қонун лойиҳаси синови бўйича ҳуқуқий эксперимент ўтказиш вилоят ишчи гуруҳи котиби Акбар Рустамовнинг ахбороти ҳам тингланди. Шунингдек, тадбирда тингловчиларни қизиқтирган барча саволларга атрофлича жавоб қайтарилди.

**Депутат** Ва сайлоВчи

# Фаоллик янги ташаббусларга йўл очмоқда

— БУГУН МУСТАҚИЛ ЮРТИМИЗНИНГ ҚАЙ ГЎШАСИДА БЎЛМАНГ, МУҲТАШАМ ИМОРАТЛАРУ МАҲОБАТЛИ КЎПРИКЛАР, ЗАМОНАВИЙ УСКУНАЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАНГАН КОРХОНАЛАРНИ КЎРИБ ҚАЛБИНГИЗ ФАХР-ИФТИХОРГА ТЎЛАДИ. ШУ ЗАМИН ФАРЗАНДИ СИФАТИДА УЛУҒВОР ИШЛАРГА ОЗ БЎЛСА-ДА, ДАХЛДОР ЭКАНЛИГИНГИЗДАН ҒУРУРЛАНИБ КЕТАСИЗ, — ДЕЙДИ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ДЕПУТАТИ, O`ZLIDEP ФАОЛЛАРИДАН БИРИ МУҲАББАТ САИДАҲМЕДОВА

**Наргиза ҚАҲҲОРОВА,**
«XXI asr»

Аслида қаҳрамонимиз Самарқанднинг Жомбой туманида туғилиб ўсган. Тақдир тақозоси билан эндиликда Жиззах вилоятининг Маржонбулоқ шаҳарчасида истиқомат қилмоқда.

У ҳар бир кунни янги орзу-умидлар, ўй-режалар билан кутиб олишга одатланган, десак хато қилмаймиз. Шундан бўлса керак, иш фаолияти ва партиявий вазифалар ижроси соҳасида кўпчилик сафдошларига ўрнак. Ҳамиша эл-юрт манфаатини ўзиникидан устун қўйишга одатланганлиги туфайли Маржонбулоқда ҳурмати катта. Шаҳарчанинг кўркам қиёфа касб этиши, аҳолининг фаровон турмуш кечиришида Муҳаббат опанинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Хусусан, кундалик ҳаёт учун зарур бўлган газ, сув, элсктр таъминотини яхшилаш, шаҳарни ободонлаштириш йўлида куч-ғайратини аямайди. Буларнинг ҳаммаси қаҳрамонимиз табиатига хос бўлган куюнчаклик ва фидойиликдан далолатдир, албатта.

— Айни кунда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлганидск, Жиззахда ҳам замонавий иншоотлар бунёд этиш, янги-янги корхоналарни фойдаланишга топшириш, қўшимча иш ўринлари яратишга жиддий аҳамият берилмоқда, — дейди М.Саидаҳмедова. — Энг муҳими, ана шундай ўзгаришлар замирида инсон ва унинг ҳаётий манфаатлари ётганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Юртимиздаги ислоҳотларнинг амалий натижаларини янгиланаётган Маржонбулоқ мисолида ҳам кўриш мумкин. Хусусан, шаҳримизда амалга оширилаётган қурилиш ва ободонлаштириш ишлари натижасида унинг қиёфаси тубдан ўзгариб, кўнгилларга қувонч ва сурур бахш этмоқда.

Чиндан ҳам шундай. Юрт манфаати йўлида ёниб яшаётганлар ҳамиша эл ардоғида. Буни Муҳаббат опа тақдири мисолида ҳам кўриш мумкин. У турмуш ўртоғи Хўразбой Маматқулов билан биргаликда уч ўғил ва бир қизни вояга етказмоқда. Бу оиланинг жамиятда ўз ўрни бор, деганидир. Сиёсий жиҳатдан чиниққан, фикр доираси ва мушоҳадаси кенг опахоннинг асосий мақсади O`zLiDeP ғоя ва мақсадларини аҳоли ўртасида кенг тарғиб этиш, маслакдошлар сафини кенгайтириш орқали партия Дастури ва Сайловолди платформасида белгиланган ҳаётбахш вазифаларни амалга оширишга муносиб ҳисса қўшишдир.

— Бугунги сайловчи ўз маҳалласи, тумани ва, албатта, Ватани учун масъул эканлигини унутмаслиги лозим, — дейди М.Саидаҳмедова. — Қолаверса, партиявий бурчимиз шуни тақозо этади. 2012 йил ва жорий йилнинг ўтган олти ойи давомида аҳолидан 51 та ёзма, 67 та оғзаки мурожаат тушди. Уларнинг 86 тасини ижобий ҳал этишга эришдик. 32 тасининг ижроси эса назоратга олинган.

Ана шундай мурожаатлар ва депутат ташаббуси асосида «Маржонбулоқ» кони ҳузурида 30 кишига мўлжалланган махсус кийим тикиш цехи қайта ишга туширилди. Янги «Маржон-Сурхон» хусусий тикув корхонасига асос солинди. Ўтган йили айнан депутат аралашуви билан шаҳарчадаги «Наврўз» ҳамда «Гавҳар» маҳалласида болалар майдончалари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Сайловчиларнинг депутатга мурожаати бўйича «Олмали» қишлоғидаги 83-мактаб ичимлик суви билан таъминланиб, 73-мактабнинг иситиш тизими созланди. Бундай ҳозиржавоблик «Маржонбулоқ» конида иш олиб бораётган бошланғич ташкилот аъзоларига ҳам «юққан», десак хато бўлмайди.



— Навоий кон-металлургия комбинати, Жанубий кон бошқармаси тасарруфидаги «Маржонбулоқ» конидек йирик бир ташкилотдаги БПТ раҳбари сифатида шуни айтишим мумкинки, ҳар қандай партиявий ташаббус қуйидан бошланганданагина яхши самара берар экан, — дейди М.Саидаҳмедова. — Партиямизнинг мақсад ва вазифаларини изчил тарғиб этсак, оддий аҳолига кенгроқ тушунтирсак, қандай натижаларга эришиш мумкинлигини кўраяпмиз. Демак, «Кучли қуйи бўғиндан — кучли партия»га шиори бежиз ўртага ташланмаяпти. Бунинг исботини жамоада сиёсий фаоллик ошиб, БПТ аъзолари сони 45 нафарга етганлиги ҳам яққол кўрсатиб турибди.

**ЎТГАН ДАВРДА БУ ЙЎНАЛИШДАГИ КОРХОНАЛАР ТОМОНИДАН 5 МИЛЛИАРД 600 МЛН. СЎМЛИК МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАНИ ҲАМ БЕЖИЗ ЭМАС. БУНДАН ТАШҚАРИ, КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН 271 ГЕКТАРДАГИ ИНТЕНСИВ БОҒНИНГ 214 ГЕКТАРИ ҲОСИЛГА КИРГАНИ ТУМАНДА БОҒДОРЧИЛИККА ҲАМ ЭЪТИБОР ЮҚОРИ ЭКАНИДАН ДАЛОЛАТ**

# ХАБАРЛАР

## КИТОБНИНГ СТАТИСТИКА КИТОБИДАГИ ЯНГИЛИКЛАРИ

2013 йили Китоб туманида 75 та лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган бўлиб, бугунгача 5,3 млн. АҚШ доллари миқдоридаги 67 та лойиҳа ниҳоясига етказилгани хабар қилинмоқда.

Таҳлилчиларнинг фикрича, ана шундай лойиҳалар туфайли 374 та янги иш ўрни яратилган. Жумладан, «Гўзалсавдосервис» масъулияти чекланган жамиятида йилига 60 тонна мевани қуритадиган цех, «Севаз табиий шарбатлари» шўъба корхонасида йилига 50 тонна махсар ёғи, «Севинч» хусусий фирмасида 50 тонна кунгабоқар ёғи ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Ражабов Фаррухбек фирмасида эса бир йилда 100 тонна ош тузини қадоқлаш линияси иш бошлади. Бошқача айтганда, 10 та озиқ-овқат, 3 та енгил саноат маҳсулотлари, 24 та қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхона ишга туширилди.

Маълумки, Китоб мармар, оҳак, қум-шағал, табиий қопламали тошлар, кварц, ғишт ва черепица хом ашёларига бой ҳудуд ҳисобланади. Бу эса қурилиш материаллари ишлаб чиқариш учун жуда катта имконият, деганидир. Ўтган даврда бу йўналишдаги корхоналар томонидан 5 миллиард 600 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилгани ҳам бежиз эмас. Бундан ташқари, кейинги йилларда ташкил этилган 271 гектардаги интенсив боғнинг 214 гектари ҳосилга кирганиi туманда боғдорчиликка ҳам эътибор юқори эканидан далолат бериши мумкин. «AGROMIR KITOB» МЧЖ раҳбари А.Авлоқуловнинг таъкидлашича, корхона бир мавсумда 10 минг тоннагача маҳсулотни қайта ишлаш қувватига эга. Ҳозирда ён-атрофдаги хонадонлар ва фермер хўжаликларида етиштирилаётган мева-сабзавотдан кунига 30 тоннагача маҳсулот тайёрланаяпти. Туманда бундай корхоналар сони 9 тага етказилди. 2012 йилда 5 та корхона томонидан 1423,5 минг АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулот экспорт қилингани ҳам замонавий ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш шарофатидир.

Эътиборли томони — Китоб туманида амалга оширилаётган лойиҳалар асосида уч мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилди.

## ЖЎЖА НОЗИК, АММО ФОЙДАСИ КАТТА ЭКАН

Яккабоғлик тадбиркор Шуҳрат Юсуповнинг паррандачилик билан шуғулланаётганига ўн йилдан ошди. Молия муассасаларидан олинган кредитни ўз вақтида қайтариб, ишонч қозонган ишбилармон йигитга бу йил ҳам «Қишлоқ қурилиш банк» Яккабоғ филиалидан 35 млн. сўм кредит ажратилди. Ана шу ҳисобдан тадбиркор жўжалар сонини тўрт мингтага етказди. Оила аъзоларидан ташқари 5 кишини ҳам иш билан таъминлади.

— Паррандачилик жуда нозик иш, — дейди Ш.Юсупов. — Аммо ўз вақтида парваришлаб тўйимли озиқлантирсангиз, яхшигина даромад олиш мумкин. Уч ойдан кейин хориждан замонавий товуқ фермаси олиб келишни режалаштирганмиз. Зеро, бу йил 160 млн. сўм даромад олиш кўзда тутилган.

**Сайфулла ИКРОМОВ.**

## «ЎРОҚ ХУДОЙБЕРДИЕВ» — СУРХОННИНГ ЭНГ НАМУНАЛИ МАҲАЛЛАСИ

Термиз шаҳрида «Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи» республика кўрик-танловининг Сурхондарё вилоят босқичи бўлиб ўтди.

«Обод турмуш йили» Давлат дастури ижроси бўйича ташкил этилган мазкур тадбирда туман ва шаҳар босқичларида саралаб олинган 14 та маҳалла фуқаролар йиғини ғолиблик учун ўзаро беллашди. Кўрик-танлов якунида Жарқўрғон туманидаги «Ўроқ Худойбердиев» маҳалласи энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи сифатида эътироф этилиб, мамлакат босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Танлов доирасида маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолияти акс этган кўргазма ҳам ташкил этилди.

**Фарҳод ТОШБОЕВ.**

Реклама ўрнида

# Манфаатли ҳамкорлик кенгаймоқда

МАМЛАКАТ МОЛИЯ БОЗОРИДА КАТТА МАВҚЕГА ЭГА БЎЛГАН «ТУРОНБАНК» 2013 ЙИЛНИНГ ЎТГАН ОЛТИ ОЙИДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ УЧУН 184,8 МЛРД. СЎМ МИҚДОРИДА КРЕДИТ АЖРАТДИ



Ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида аҳоли фаровонлигини янада юксалтириш, иқтисодиётни барқарор ривожлантириш молия муассасаларининг фаолияти билан чамбарчас боғлиқдир.

Шу боис ҳам мамлакатимизда пул-кредит сиёсати такомиллаштирилиб, ажратилган сармояларнинг юқори самарадорлигини таъминлашга катта эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, очиқ акциядорлик-тижорат «Туронбанк» жамоаси ўз олдига қўйилган вазифалардан келиб чиқиб, хизмат сифати ва маданиятини оширишга ҳаракат қилаётир.

Кредит маблағларининг асосий қисми саноат, қишлоқ хўжалиги, шунингдек, сервис соҳасини молиялаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантиришга йўналтирилмоқда. Натижада банк кредит портфели ўтган йилнинг айни давридагига нисбатан 74,1 млрд. сўмга кўпайиб, 392,8 млрд. сўмга етди. Шунингдек, банкнинг навбатдаги эмиссиясини жойлаштириш ҳисобига банк устав капитали 40 млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 12 млрд. сўмга ошди. Натижада банк жами капитали 59,4 миллиард сўмни ташкил этди.

Яна бир нарсани алоҳида таъкидлаш жоиз. Жорий йилнинг ўтган даврида мазкур молия муассасаси томонидан кичик бизнес субъектларига 184,8 млрд. сўм миқдорида сармоя ажратилди. Коллеж битирувчиларининг бизнес-режаларини қўллаб-қувватлашга эса 1,4 млрд. сўм миқдорида маблағ йўналтирилди. Бунинг самараси ўлароқ 1700 дан ортиқ янги иш ўрни яратилди.

— «Туронбанк» кредити ҳисобига тикувчилик фаолиятини йўлга қўйдик, — дейди Навбаҳор туманидаги «Афросиёб гулшани хусусий корхонаси раҳбари Гулшан Олтинова. — Яъни 3223500 сўм миқдоридаги лизинг маблағи ҳисобига 18 та тикув машинаси харид қилдик. Шу тариқа коллеж битирувчиларидан 10 нафари доимий иш билан таъминланди.

Иштихонлик ёш тадбиркор Дилшод Бобоназаров ҳам банкнинг молиявий ёрдами эвазига ўз бизнесини йўлга қўйди.

— Коллежни тугатгач қишлоғимизда иссиқхона ташкил этишга оид бизнес лойиҳа тайёрладим, — дейди у. — Бу ташаббусим банк маъмурияти томонидан қўллаб-қувватланди ва тегишли миқдорда кредит ажратилди. Эндиликда маҳсулот турларини кўпайтириш ва янги иш ўринлари яратиш ҳаракатидаман.

Дарҳақиқат, банк билан мижозлар ўртасидаги манфаатли ҳамкорлик тобора мустаҳкамланмоқда. Бугунги кунда бирор соҳани тадбиркорлик фаолиятидан айри тасаввур қилиб бўлмайди. Хусусан, тадбиркорликни ихтиёр этган касб-ҳунар коллежлари битирувчилари молиявий жиҳатдан ўз вақтида рағбатлантирилмоқда. Бу эса ёшларнинг ҳаётдан муносиб ўрин топишларида муҳим аҳамиятга эгадир.

Қолаверса, банк маблағлари ҳисобига ўз фаолиятини кенгайтириб, иқтисодиётимиз равнақига муносиб ҳисса қўшаётган саноат корхоналари тобора кўпаймоқда. Дейлик, «Туронбанк» ёрдами билан «Фарғона ип-газлама» ишлаб чиқариш корхонаси негизида ташкил қилинган «Фарғона Турон-текстиль» масъулияти чекланган жамиятига Германиянинг «Truetztschler» фирмасидан замонавий ип-йигирув дастгоҳлари олиб келиб ўрнатилди. Эндиликда корхона йилига 8100 тонна калава ип тайёрлаш қувватига эгадир. Шу тариқа 520 кишининг бандлиги таъминланди. Ҳозирда «Фарғона Турон-текстиль» маҳсулотлари кўплаб давлатларга экспорт қилинаётир.

Айтиш жоизки, банк фаолияти халқаро молиявий экспертлар томонидан ҳам юқори баҳоланмоқда. Жумладан, «STNDART&POOR'S» халқаро рейтинг агентлиги молиявий муассасанинг барча рейтингларини «B-/C» даражасида «Барқарор» истиқболи билан қайта тасдиқлади. Бу эса улкан жамоага хос бўлган изланиш, илғор тажрибаларга таяниб иш юритиш янгидан-янги ютуқларга замин бўлаётганидан яна бир далолатдир.

**Банк матбуот хизмати.**

**ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ ЎТГАН ДАВРИДА МАЗКУР МОЛИЯ МУАССАСАСИ ТОМОНИДАН КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИГА 184,8 МЛРД. СЎМ МИҚДОРИДА САРМОЯ АЖРАТИЛДИ. КОЛЛЕЖ БИТИРУВЧИЛАРИ БИЗНЕС-РЕЖАЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА ЭСА 1,4 МЛРД. СЎМ МИҚДОРИДА МАБЛАҒ ЙЎНАЛТИРИЛДИ.**

**ЛОЙИҲАНИНГ ЎТГАН ЙИЛГИ БОСҚИЧИДА 179 НАФАР ИШТИРОКЧИ ОРАСИДАН 86 НАФАРИНИНГ УМУМИЙ ҚИЙМАТИ 879,9 МИЛЛИОН СЎМЛИК БИЗНЕС-РЕЖАСИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ МАҚСАДГА МУВОФИҚ ДЕБ ТОПИЛГАН ЭДИ. ЖОРИЙ ЙИЛДА ЭСА БУ КЎРСАТКИЧНИНГ ЯНАДА ЯХШИЛАНИШИ КУТИЛАЯПТИ.**

## «Ёшлар қаноти»

# Партиявий лойиҳалар қандай натижа бераяпти?

O`ZLIDEP ТОМОНИДАН ТАЪСИС ЭТИЛГАН «МУЛКДОР ОИЛА» ЛОЙИҲАСИ ТАДБИРКОРЛИККА ҚЎЛ УРАЁТГАН ЁШЛАР УЧУН ЎЗИГА ХОС МАҲОРАТ МАКТАБИ ВАЗИФАСИНИ ЎТАЯПТИ

**Мансур АСЛОНОВ,**
**Асхор ИСТАМОВ,**
«XXI asr»

Бу эса янги ғоя ва ташаббуслари билан кичик бизнесни танлаётганлар сонининг йил сайин ошишига хизмат қилаётир. Хусусан, 2012 йил якунида лойиҳанинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардан 333 нафар иштирокчининг 5 млрд. 389 млн. 850 минг сўмга тенг бизнес-режаси тижорат банклари томонидан молиялаштирилди. Натижада 132 та тадбиркорлик субъекти ташкил этилиб, уларда 270 та янги ва 613 та қўшимча иш ўрни ташкил этилди.

Мутахассисларнинг эътироф этишларича, ушбу лойиҳа доирасида ўтказилган тадбирлар O`zLiDeP дастури, ғоя ва мақсадларини кенг тарғиб этишга ҳам хизмат қилаяпти. Ана шу жиҳатлар эътиборга олиниб, лойиҳанинг жорий йилдаги тадбирлари янада уюшқоқлик билан ўтказила бошланди. Айни пайтда жойларда лойиҳанинг саралаш босқичлари якунланиш арафасида.

Жумладан, июнь ойида Навоий вилоятининг туман ва шаҳар босқичидан муваффақиятли ўтган 38 нафар иштирокчига тижорат банкларининг имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлари топширилди.

— Бу йил касб-ҳунар коллежини тугатдим. «Мулкдор оила» лойиҳасида 6 сотих ерда иссиқхона қуриш ғояси билан иштирок этиб, «Микрокредитбанк»нинг 7,5 миллион сўмлик имтиёзли кредит сертификатини қўлга киритдим, — дейди бешработлик ёш тадбиркор Мақсуд Сафаров.

O`zLiDeP Навоий вилоят кенгаши Тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш бўлими мудири Боліқул Йўлдошевнинг таъкидлашича, лойиҳада иштирок этиб, ўз фаолиятини кенгайтириш, оилавий бизнес билан шуғулланишни истаётганлар сони йилдан-йилга ошиб бораяпти. Айниқса, коллеж битирувчилари ва қишлоқ ёшлари орасида лойиҳа иштирокчилари сони сезиларли даражада ошган.

Маълумки, ушбу партиявий лойиҳадан кўзда тутилган асосий мақсад O`zLiDePнинг Сайловолди платформасида белгиланганидек, кичик бизнес вакиллари ва фермерларнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, сақлаш ва сотиш тизимини тараққий эттириш борасидаги билим ва кўникмаларини мустаҳкамлашга кўмаклашишдир. «Мулкдор оила» лойиҳасининг Бухорода ўтган тадбирларида айнан ана шу масалага устуворлик берилди. Маълумки, лойиҳанинг ўтган йилги босқичида 179 нафар иштирокчи орасидан 86 нафарининг умумий қиймати 879,9 миллион сўмлик бизнес-режасини молиялаштириш мақсадга мувофиқ деб топилган эди. Жорий йилда эса бу кўрсаткичнинг янада яхшиланиши кутилаяпти.

— Бу йилги семинарлар давомида деҳқон хўжалигига асосланган оилавий бизнесни ташкил этиш, оилавий тадбиркорликни ривожлантиришда суғурта бозори, унинг мазмун-моҳияти, аҳамияти ва афзалликлари, банк муассасаларидан кредит олиш йўллари ва ундан самарали фойдаланиш, гаров таъминоти турлари, гаров ҳужжатлари ҳамда бизнес-режаларни расмийлаштириш тартиблари бўйича атрофлича маълумотлар олдик, — дейди «Гулруҳ, Гулмира, Саёҳат — Шофиркон гуллари» хусусий корхонаси раҳбари Саёҳат Аҳадова. — Машғулотлар давомида ҳар бир иштирокчига индивидуал ёндашилгани, ўқувлар замонавий технологиялар, интерфаол усуллар, сўровнома ва баҳс-мунозаралар шаклида олиб борилгани билимларимизни мустаҳкамлаш имконини берди. Айни пайтда Шофиркон иқтисод ва саноат касб-ҳунар коллежлари битирувчиларидан 20 нафарини доимий иш билан таъминладик. Улар тикувчилик ва каштачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳамда турли пишириқлар тайёрлаш билан банд.

Бир сўз билан айтганда, партиявий лойиҳалар тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракатини ривожлантириш, мулкдорлар синфи вакилларини қўллаб-қувватлаш, қишлоққа саноатни олиб кириш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини тараққий эттиришда хусусий сектор улушини кўпайтириш, энг муҳими эса оилавий бизнесни ривожлантириш, қўшимча иш ўринлари ташкил этишга хизмат қилаяпти. «Мулкдор оила — 2013» лойиҳаси иқтисодий ислоҳотлар жараёнига O`zLiDePнинг муҳим ҳиссаси бўлиб қўшилмоқда.




Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎзА) олган сурат

## КОГОНДАН — ҒИЖДУВОНГАЧА

Когон туманидаги Саломатлик марказида фаолият олиб бораётган бошланғич ташкилот 29 нафар аъзони бирлаштирган бўлиб, улар ташаббуси билан жойларда «Мустақиллик — инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг асосий омили» мавзуида ўқув-семинарлар ўтказилаяпти. Ана шундай тадбирларнинг навбатдагиси Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма икки йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорининг мазмун-моҳияти ва унинг ижроси масалаларига бағишланди.

Тадбир давомида Республика маънавият тарғибот маркази туман бўлими раҳбари Носир Ашуров, Саломатлик маркази мудири Розия Шодмонова сўзга чиқиб, энг улуғ, энг азиз айёмга пухта тайёргарлик кўриш, турли ёшдаги кишилар, айниқса, ёш авлод вакиллари ўртасида истиқлол ғояларини тарғиб қилишда байрамолди тадбирларининг аҳамияти катта эканини таъкидладилар.

Партия электорати, қуйи бўғин фаоллари иштирокидаги худди шундай учрашувлар вилоятнинг Вобкент, Бухоро ва Ғиждувон туманлари, шунингдек, Бухоро шаҳридаги корхона-ташкилотлар ва таълим муассасаларида ташкил этилган БПТларда ўтказилмоқда.

## САМАРҚАНДНИНГ ЎН ИККИНЧИ ДЎСТИ

Жанубий Кореянинг йирик сайёҳлик марказларидан бири — Кёнджу шаҳри Самарқанднинг биродарлашган шаҳри, деб эълон қилинди.

Самарқанд вилояти ҳокимлиги ахборот хизмати хабарига кўра, 2 август куни ана шу икки шаҳар ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик меморандуми имзоланди.

Расмий ҳужжатни имзолаш маросимида Самарқанд шаҳри ҳокими Акбар Шукуров, шаҳар жамоатчилиги вакиллари, шунингдек, Корея Республикасининг Кёнсан-Пукто вилояти раҳбари Ким Кван Ёнг етакчилигидаги делегация аъзолари иштирок этди.

Тадбирда Корея Республикаси Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигини биринчилардан бўлиб тан олгани, кейинги йилларда икки давлат ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлик ривожланиб бораётгани алоҳида қайд этилди.

Шу тариқа Кёнджу Самарқанднинг ўн иккинчи биродарлашган шаҳрига айланди. Зеро, бунга қадар кўҳна кентимиз Флоренция (Италия), Самара ва Красноярск (Россия), Рио-де-Жанейро (Бразилия), Лахор (Покистон), Львов (Украина), Льеж (Бельгия), Пловдив (Болгария), Банда-Ачех (Индонезия), Лион (Франция) каби шаҳарлар билан ўзаро дўстлик алоқаларини ўрнатган эди.

## «ҚИРОЛ ШЕР» ЎЗБЕКИСТОН БЎЙЛАБ ГАСТРОЛЬ УЮШТИРАДИ

**«Ўзбекистон Маданияти ва санъати форуми» жамғармаси «Аёллар кенгаши» Республика жамоат бирлашмаси билан биргаликда ташкил этилган «Қирол шернинг қайтиши» номли болалар театр студиясига қабул бошланганини эълон қилди.**

**Таъкидлаш жоиз: импровизациялашган болалар театрини яратиш ғояси «Ўзбекистон Маданияти ва санъати форуми» жамғармаси Васийлик кенгаши раиси Гулнора Каримовага тегишли бўлиб, Уолт Дисней студияси томонидан яратилган «Қирол шер» мультфильми сюжети асосида саҳналаштирилган мюзикл бундан бир неча йил аввал Тошкентда дебют қилган ҳолда мухлисларда катта қизиқиш уйғотганди. Кейинчалик эса ташкилотчиларда ёш актёрлар театри учун Ўзбекистон шаҳарлари бўйлаб гастроллар уюштириб бериш фикри туғилди. Эътиборлиси, ёшларга ўз истеъдоди ва очилмаган қирраларини намоён этиш имкониятини яратиш мақсадида республикамизнинг турли шаҳарларида ташкил этилган гастроллар хайрия тадбирлари кўринишида ўтказилди.**

**Жамғарма ахборот хизматидан хабар қилишларича, янги ташкил этилган театрда 5 ёшдан 15 ёшгача бўлган болалар ва 15 ёшдан 20 ёшгача бўлган йигит-қизлар иштирок этиши мумкин. Қабул шу йилнинг 10-15 август кунлари Ёшлар ижод саройида танлов асосида ўтказилади.**

**Иқтидорли ёшлар таниқли маданият ва санъат ходимларидан иборат ҳайъат томонидан танлаб олинади.**

# ХАБАРЛАР

## ҚИБРАЙ ОЛТИНЛАРИНИНГ «ЭГА»СИ КИМ?



Қибрай туманининг Май қишлоғида бетон ариқ ётқизаётган қурувчилар бундан 1600 йил аввалги даврга тааллуқли бўлган тилла ва кумуш буюмларни топиб олдилар. Айни пайтда Ўзбекистон Давлат тарих музейига топширилган топилма мутахассислар томонидан ўрганилмоқда. «Қибрай хазинаси» ҳақида тўлароқ маълумот олиш мақсадида музей ходимлари билан учрашдик. Улар мазкур буюмлар V-VI асрларда яшаган византиялик ҳарбий кишига тегишли бўлганини тахмин қилмоқдалар.

— Топилган нарсалар, хусусан, битта тилла танга, аниқроғи, унинг бир бўлаги, шунингдек, ўша даврда «ёмон кўзлардан асраш» учун камарга тақилган ҳамда кийимга тикилган олтин буюмлар, от юганига маҳкамланадиган тўқа, қуш шаклини эслатувчи кумуш безак ҳамда бўйинга осиладиган симли жевак қолдиқлари бўлиб, улар Византия давлатининг илк даврига мансуб экани аён бўлди, — дейди Ўзбекистон Фанлар академияси Давлат тарих музейи нумизматика бўлими мудири, тарих фанлари номзоди Альфия Мусакаева. — Зеро, юмалоқ тўқаларда айнан илк Византия davridagi тангаларда учрайдиган фаришталар расми туширилган. Қолаверса топилган тремиссис, яъни фақат учдан бир қисми қолган танганинг олд қисмида соқолсиз императорнинг сурати, орқа тарафида эса ғалаба маъбудаси — Виктория акс эттирилган. Маълумки, Византияда 602-610 йилларда ҳукмронлик қилган император Фока давридан кейингина тангаларда соқолли шоҳлар сурати акс эттирла бошланган. Шунингдек, мамлакат зарбхоналари ҳам VI-VII асрларда тангалар орқа томонига Викториянинг эмас, балки фаришталар суратларини тушира бошлаган. Шуларни инобатга олиб айтиш мумкинки, бу хазина Турк хоқонлиги ва Византия ўртасида савдо-сотиқ ва дипломатик алоқалар ўрнатилган V-VI асрларга мансуб.

**Шухрат ХЎЖАЕВ.**

## БИР ҲОВУЧ ДУР

**— Дунёда энг учқур нарса нима?**
**— Вақт.**
**— Энг кеч пишадиган мева қайси?**
**— Ақл.**
**— Энг бедаво дард-чи?**
**— Пушаймон.**


Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи жамоаси
юртдошларимизни муборак Рамазон ҳайити билан самимий қутлайди. Муаззам юртимиз равнақига муносиб улуш қўшаётган фидойи ватандошларимизга соғлик-саломатлик, оилаларига файзу барака тилаймиз!
GAZGA QARSHI HIMOYA VOSITALARI
БАЙРАМИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН, АЗИЗЛАР!

# СЎНГГИ САҲИФА






Гидрометеорология марказидан олинган маълумотларга кўра, **8-15** август кунлари Ўзбекистонда об-ҳаво ўзгарувчан бўлиб, ёғингарчилик кутилмайди. Фақат тоғли ва тоғолди ҳудудларда қисқа муддатли ёмғир ёғиши, момақалдироқ бўлиши мумкин. Шамол шарқдан **7-12** м/с тезликда эсади.

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида ҳарорат кечаси **18-23**, кундузи **30-35** даража иссиқ бўлади. Навоий, Бухоро, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида ҳарорат кечаси **18-23**, кундузи **32-37** даража иссиқ бўлиши кутилмоқда. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида ҳарорат кечаси **20-25**, кундузи **33-38** даража иссиқ бўлади. Республикамизнинг шарқи — Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятларида шамол шарқдан **5-10** м/с тезликда эсади. Термометр кўрсаткичлари **18-23**, кундузи **30-35** даража иссиқ бўлишини кўрсатмоқда. Тошкент вилояти ва пойтахтимизда кечаси **18-23**, кундузи **32-37** даража иссиқ бўлади. Тоғли ҳудудларда **8-11** август куни вақти-вақти билан ёмғир ёғиши, момақалдироқ бўлиши мумкин. Ҳарорат кечаси **12-17** даража илиқ, кундузи **20-25** даража иссиқ бўлади.

Реклама









Солиҳ ЗОИР олган сурат

## ОЗОД ЮРТНИНГ ОБОД ОИЛАСИ

**Оила — муқаддас даргоҳ. Шу боис, унинг ҳаётий сабоқлари бир умрликдир. Айниқса, ота-онанинг шахсий ибрати фарзандлар учун алоҳида аҳамиятга эга. Қаҳрамонимиз Комил ака Қаюмов ҳам ҳалол меҳнати орқали бахт-саодатга эришган ували-жували инсонлардан. Тошкент политехника институтини тугатиб, автотранспорт соҳасида сидқидилдан хизмат қилган, кўплаб шогирдлар тайёрлаган Комил ака эл-юрт, маҳалла-кўй ўртасида катта ҳурматга эга.**

**У етмиш ёшни қоралаб қолган бўлса-да, ҳамон тиниб-тинчимайди. Жамоат ишларида фаол, ташаббускор. 2003 йилдан бери пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги «Дўмбиробод» маҳалласи оқсоқоли сифатида иш юритиб келмоқда. Ҳалол меҳнатлари қадрланиб, Юртбошимиз фармонига мувофиқ «Шуҳрат» медали билан тақдирланди. Ўзаро ҳурмат, аҳиллик ушбу оилага хос бўлган фазилатдир. Турмуш ўртоғи, фахрий педагог Рихсия опа билан икки ўғил ва бир қизни тарбиялаб вояга етказишди. Барчаси олий маълумотли. Ҳозирги кунда обод оила соҳиби ва соҳибаси саккиз нафар невара-чевара қуршовида яратганга шукрона келтириб, қарилик гаштини суришмоқда.**

## Антиқа қонунлар

**Финляндияда полиция ходимлари махсус турар-жойга қўйилмаган автомобиллар балонини тешиш ҳуқуқига эга.**

Францияда чўчқаларга «Наполеон» лақабини қўйиш ман этилган. Шунингдек, инсон қиёфасида бўлмаган қўғирчоқларни сотиш ҳам мумкин эмас.

**Германияда ёстиқ расман пассив жиноят қуроли сифатида тан олинган. Идораларда ўтириб ишлайдиган ҳар бир ходим эса ўз иш жойидан осмонни кўриб туриши шарт.**

Буюк Британияда расмий лицензияга эга бўлмай туриб, телевизор харид қилиш ва кўриш тақиқланган.

**Италиянинг Венеция шаҳрида каптарларга дон берган киши 60 доллардан 600 долларгача бўлган миқдорда жаримага тортилиши мумкин. Шунингдек, мамлакатда қабул қилинган қонунларга мувофиқ, фуқароларнинг йўл бўйида овқатланиши ва фаввораларда чўмилиши тақиқланган. Мамлакат жанубидаги курорт шаҳар — Тропея мэрияси қарорига кўра, фақат хушбичим ва чиройли аёлларгина соҳил бўйида чўмилиш кийимида юриши мумкин.**

# ХАБАРЛАР

## ШАҲАР ИЧИДАГИ «ШАҲАР»

Хитойнинг Ченду шаҳрида (Сичуань провинцияси) умумий майдони 1,76 миллион квадрат метрга тенг бўлган «The New Century Global Center» бизнес-маркази ишга тушди.

Мазкур иншоот 2009 йилда фойдаланишга топширилган Дубай халқаро аэропортининг 3-терминали томонидан ўрнатилган рекордни янгилади. Маълумотларга кўра, узунлиги — 500, эни — 400, баландлиги эса 100 метрдан иборат 18 қаватли бино ҳудудида савдо марказлари, офислар, конференц-заллар, университет мажмуаси, беш юлдузли иккита меҳмонхона ва 3D кинотеатри жойлашган.

Бундан ташқари, бинога туташ ҳудудда 5 сотих жойни эгаллаган, сунъий тўлқинлар билан таъминланган пляж ҳам бор. Пентагон биносидан 3 баробар катта бўлган мазкур бизнес-марказ ўз ичига Сидней шаҳридаги машҳур опера театрга тенг келадиган 20 та бинони сиғдириши мумкин.

## ЎЗИЮРАР ТОШЛАР СИРИ ОЧИЛДИ

АҚШнинг коинотни тадқиқ этиш билан шуғулланувчи NASA ташкилоти ходимлари Ўлим водийси (Калифорния штати) ҳудудидаги қуриб қолган Рэйстрек Плайя кўли тубидаги ҳаракатланувчи тошлар сирини аниқлашга муваффақ бўлдилар.

Оғирлиги 300 килограммгача бўлган баҳайбат тошларнинг бир жойдан иккинчи жойга кўчиши олимлар баҳсига сабаб бўлиб, турли фаразларни туғдираётган эди. Эътиборлиси, харсангларнинг айнан ҳаракатланиш онларини ҳеч ким кўрмаган бўлса-да, бу ҳақда огоҳ этувчи излар йиллар давомида барчани лол қолдириб келаётган эди.

Хуллас, Жон Хопкинс университети олими Ральф Лоренцнинг NASA топшириғига мувофиқ мазкур водийда олиб борган тадқиқотлари давомида маълум бўлдики, қишда муз қобиғи билан қопланадиган тошларнинг кун иссиғида қобиғини ташлаши, яъни музнинг эриши, уларнинг қум юзида сирпанган ҳолда ҳаракатланишига сабаб бўлар экан.

## «ИБЛИС ИЧИМЛИГИ»

Кўпчилик севиб истеъмол қиладиган сутли ва кўпикли қаҳва тури — капучино тарихини биласизми?

Маълумотларга кўра, ўрта асрларда тетиклантирувчи ва кишиларда унга нисбатан ўрганиб қолиш ҳиссини уйғотувчи «қора» қаҳва «иблис ичимлиги» сифатида эътироф этилиб, кўп жойларда тақиқланган экан. Ана шундай гап-сўзларга чек қўйиш мақсадида 1525 йилда Рим яқинида хизмат қилувчи италиялик роҳиблар қаҳвага қаймоқ ва кўпиртирилган сут солиб, истеъмол қила бошлашган. «Капучино» сўзининг келиб чиқишига келсак, баъзи олимлар бу атама ўзларини «капуцинлар» деб атайдиган роҳиблар билан боғлиқлигини эътироф этса, айрим манбаларда «cappuccino» итальян тилидан таржима қилинганида «кичкина чинни идиш» маъносини билдириши маълум қилинади. Шу ўринда замонавий капучино кўпик билан тўлдириш орқали тайёрланишини, қуюқ кўпик устига одатда шоколад, қуруқ қаҳва ёки шакар сепилишини, дастурхонга доимо кичкина қошиқча билан бирга тортилишини айтиб ўтиш жоиз. Зеро, хўранда қошиқча ёрдамида ширин кўпикни еб бўлганидан сўнггина қаҳвани ичади.

**Равшан ҲАЙДАРОВ тайёрлади.**

Реклама




Реклама




## Латифалар

— Иложи бўлса, мени бошқа хонага кўчиринг, — дебди маймун ҳайвонот боғи директорига арз қилиб. — Қўшни хоналарда яшайдиган қуён ва жирафа жонимга тегиб кетди.
— Нега?
— Қуён кундузи билан латифа айтиб чиқса, уни кун бўйи эшитган жирафа эрталабгача кулиб чиқади.

• • •

Профессор:
— 1565 йилда инглиз адабиёти тарихига оид қандай муҳим воқеа содир бўлган?
Талаба:
— Вильям Шекспир туғилган.
— Жуда яхши. 1566 йилда-чи?
— Шекспир бир ёшга тўлган, профессор.

Реклама




XXI ASR
IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA
O'zLiDeP
TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O`ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Муҳаммадюсуф ТЕШАБОЕВ, Абдурашид ЖЎРАБОЕВ, Алишер ШАЙХОВ, Бахтиёр ЯКУБОВ, Баҳодир ГАНИЕВ, Зиёдулла УБАЙДУЛЛАЕВ, Илхом НАСРИЕВ, Мухлиса АКРАМОВА, Равшан ОХУНОВ, Шухрат НОРГИТОВ, Шуҳрат ОРИПОВ, Эркин ТОШЕВ, Қиём НАЗАРОВ.
ТАҲРИРИЯТ: Озод РАЖАБОВ, Маркс ЮСУПОВ, Зумрад АБРОРОВА, Шаҳзод НАЗАРОВ, Сайфулла ИКРОМОВ, Муҳаббат РАВШАНОВА, Темур АБДУРАХМОНОВ, Носир ТОШЕВ, Ориф ЎЛМАСОВ, Янгибой ҚЎЧҚОРОВ.
БОШ МУҲАРРИР: Миродил АБДУРАХМОНОВ.
БЎЛИМЛАР: Котибият — 281-40-17 (тел./факс), Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 255-64-80, Ахборот ва таҳлил, хатлар ва шикоятлар бўлими — 255-64-80, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти бўлими — 215-60-45, Ёшлар ва аёллар масалалари бўлими — 254-03-79, Реклама ва шартномалар бўлими — 215-60-45, 255-68-50, Қабулхона: 215-63-80 (тел./факс).
ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент, Нукус кўчаси, 73А-уй. ЭЛЕКТРОН ПОЧТА: axborotXXIasr@yahoo.com, XXI_ASR@yahoo.com, XXI_ASR@mail.ru
©«XXI ASR»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

МУАССИС: Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.
«XXI ASR» ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган
Буюртма рақами: J 7779. Тираж: 16524
Баҳоси келишилган нархда.
Топширилди — 20:00
НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406
ISSN 2181-497X
9 772181 497009
Навбатчилар:
Ш.ХЎЖАЕВ, Ш.РАҲИМОВ.